БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 60 (807)

24 МАРТ ЯКШАНБА 1957 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

БУГУНГИ СОНДА:

СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганиннинг ГФР Федерал Канцлери К. Аденауэрнинг хатига жавоби (1-бет).

Венгриялик меҳмонлар Лужникидаги марказий стадионни бориб кўрдилар (1-бет).

Пахтачилик илмини ижодий ривожлантириш учун (1-бет).

Қишлоқ хўжалик заказларини ўз муддатида бажарайлик. В. Гусев.— Муҳим заказлар ҳарқандай шароитда ҳам сўзсиз бажарилсин (2-бет).

Касаба союзларнинг ишини янги вазифалар даражасига кўтарайлик (2-бет).

Қишлоқ хўжалигига кўпроқ ўғит етказиб берамиз. (2- бет).

ПАРТИЯ ТЕМАСИДА: **М. Хатамов.** — Хўжаликнинг барча тармоқларини комплекс ривожлантирайлик (2-бет).

Ғанимат фурсатдан тўла ва унумли фойдаланиб ер хайдаш, далаларни экишга тайёрлашни тез, сифатли ўтказайлик! С. Маҳкамов — Ўртасарой районидаги Жданов номли колхоз чигит экишга пухта тайёрланмоқда. (3-бет).

СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНЛАРИ. **Ш. Кузонбоев.** — Новатор деҳқон (3-бет).

БИБЛИОГРАФИЯ. **В. Абдуллаев.** — Мисрли дўстларимизнинг новеллалари (4- бет).

Германия Демократик Республикаси Министрлар Советида (4- бет).

Ҳиндистондаги сайловларга доир (4-бет).

МТСлар колхоз ишлаб чиқаришини ривожлантиришда ҳал қилувчи куч

Машина-трактор станциялари колхоз ишлаб чиқаришини ривожлантиришда ҳал қилувчи куч, социалистик давлатнинг колхозларга раҳбарлик қилишдаги энг муҳим таянч пунктларидир. СССР Министрлар Советининг 1957 йилдан бошлаб машина-трактор станциялари ва ихтисослаштирилган станцияларни, шунингдек Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг ремонт корхоналарини маблағ билан таъминлашни иттифоқ бюджетидан республика бюджетига ўтказиш тўғрисидаги қарори МТСлар ишини янада яхшилашда, уларнинг колхоз ишлаб чиқаришини ривожлантиришдаги ролини оширишда жуда катта аҳамиятга эгадир. Иттифоқ Ҳукумати Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг ана шу ҳақдаги таклифини қабул қилди ва эндиликда МТСлар даромадлари ва ремонт корхоналари фойдасидан олинадиган ажратмалар Ўзбекистон ССР бюджетига ўтказилади. Бу қарор Коммунистик партия ва Совет ҳукумати томонидан иттифоқчи республикаларнинг ҳуқуқларини янада кенгайтириш ҳақида кўрсатилаётган буюк ғамхўрликларнинг яна бир ёрқин ифодасидир.

МТСларни, ихтисослаштирилган станцияларни, шунингдек ремонт корхоналарини маблағ билан таъминлашнинг янги тартиби маҳаллий партия, совет ташкилотларига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун қурашда ташаббусни янада ривожлантириш имкониятини беради, моддий-техника ресурсларидан тўлароқ фойдаланиш, МТС ишига оид муҳим масалаларни оператив ҳал этишга имкон тугдиради.

Республикамиз, шу жумладан Тошкент областидаги МТСлар кучли трактор паркига, мукаммал ва қудратли қишлоқ хўжалик техникасига эгадирлар. Улар давлатдан ҳар йили хилма-хил машиналар — комбайнлар, янги техника билан таъминланмоқдалар.

Областимиздаги кўпгина МТСлар ана шу техникадан моҳирлик билан фойдаланиб, ғўзани ўз вақтида ва сифатли парвариш қилиш ҳақида колхозлар билан тузилган шартномада кўрсатилган мажбуриятларини халоллик билан бажариб, ўзлари хизмат кўрсатаётган колхозларда трактор ишлари таннархини ҳамда давлат ва колхоз ҳаражатларини анча камайтиришга, пахта етиштиришни кўпайтиришга муваффақ бўлмоқдалар. Оржоникидзе МТСи (директори Ўртоқ С. Абдурашидов), Ўртасарой районидаги 1-МТС (директори Ўртоқ Ёзиев), Янгийўл районидаги 2-МТС (директори Ўртоқ Иброхимов) ва Сирдарё районидаги 1-МТС (директори Ўртоқ Саидов) ана шулар жумласидандир.

Янгийўл районидаги 2-МТСда яхши тажриба ўтказилди. МТС ўзи хизмат кўрсатадиган Сталин номли колхозлари 3 трактор бригадасини бирлаштириб битта бригада ташкил этди. Бу эса маъмурий-бошқарув аппаратини қисқартириш билан бирга МТС ва колхоз правлениеларининг трактор бригадаларига раҳбарлигини анча яхшилаш имкониятини берди. Кўкламги экишни пухта тайёргарлик билан кутиб олаётган МТС механизаторлари ҳозир экиш арафасидаги сўнгги тайёргарлик ишларини тугаллашмоқдалар, чигит экишни белгиланган муддатда юқори сифатли ўтказиш учун ҳамма нарсани тахт қилиб қўймоқдалар.

Яқинда Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети «МТСлар ишини яхшилаш ва механизаторларнинг ҳосил учун жавобгарлигини ошириш ҳақида» махсус қарор қабул қилдилар. Бу қарорда МТСлар ишини янада яхшилаш ва механизаторларнинг ҳосил учун жавобгарлигини ошириш юзасидан муҳим тадбирлар белгиланган. Бу тадбирларни тўла-тўкис амалга ошириш — маҳаллий партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари ва МТС коллективларининг муҳим вазифасидир.

Ҳозир кўкламги экишни ўз вақтида намунали ўтказиш учун, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширишни муваффақиятли ҳал қилиш имкониятини берадиган янги прогрессив методларни қишлоқ хўжалигига янада кенгроқ жорий қилиш учун механизаторларнинг ҳамда машина-трактор станцияларидаги барча ходимларнинг ижодий активлигини ҳар томонлама авж олдириб юбориш пайти келди. Бироқ, кўпчилик МТСлар вақт жуда оз қолишига қарамай экиш кампаниясига тайёргарликни сусткашлик билан олиб бормоқдалар. Бўка, Пискент, Чиноз, Юқори Чирчиқ ва Бархне-вольск районларидаги МТСларда ҳали ремонти тугалланмаган трактор ва қишлоқ хўжалик асбоблари бор. Ўртоқ Ёзиев директорлик қилаётган 2-Бўка МТСида сеялка, культиватор ва бошқа машиналар ҳалигача колхозларга юборилмаган. Октябрь, Бекобод ва Гулистон районларининг МТСлари зонасидаги колхозларда ер ҳайдаш суръати жуда паст, ҳайдов тракторлари тўла ишлатилмаётир.

МТСлар ишига раҳбарликни яхшилаш, мавжуд камчиликларни тугатишда уларга кундалик ёрдам кўрсатиб туриш ва талабчанликни ошириш — район партия комитетлари ва район ижроия комитетларининг энг муҳим вазифасидир. Шунга эришайликки, ҳар бир МТС мавжуд техникадан тўла фойдаланиб, кўкламги экишни муваффақиятли ўтказсин, 1957 йилда ўзи хизмат қиладиган колхозларда пахта ва бошқа деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан олган мажбуриятини бажарсин, трактор ишлари таннархини ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришдаги харажатларни камайтирсин ҳамда ўз хўжалигида зарур тартиб ўрнатсин.

МТСлар колхоз ишлаб чиқаришининг барча тармоқларида ўзларининг ташкилотчилик ролини оширишлари, экинлар ҳосили ва чорвачилик маҳсулдорлиги учун жавобгарликни сезишлари, колхозларнинг 1957 йил ишлаб чиқариш планларини сўзсиз бажаришлари учун ҳамма чораларни кўришлари керак. Бунда етиштириладиган маҳсулотнинг ҳар бир центнери учун давлат ва колхоз ҳаражатини ҳамда трактор ишлари таннархини анча камайтиришга эришиш лозим.

Пахтадан муттасил юқори ҳосил олинишини таъминлаш ва механизаторларнинг ҳосил учун жавобгарлигини ошириш мақсадида чопиқ тракторининг тракторчиларини экишдан то ғўзанинг ёзги парваришигача бригадаларга бириктириб қўйиш, тракторчилар ҳақида доимо ғамхўрлик қилиб туриш зарур.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети барча тракторчиларни, механизаторларни, машина-трактор станцияларининг барча ходимларини Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллиги шарафига социалистик мусобақани кенгайтириб юборишга ва Ўзбекистон пахтакорларининг бу йил камида 3 миллион тонна пахта етиштириш ва давлатга топшириш юзасидан олган мажбуриятларини бажариш учун курашида актив қатнашишга чақирдилар. Бу чақириққа жавобан кўкламги экишга пухта тайёргарлик билан киришайлик, экишни сифатли ўтказиб, МТСлар ишини янада яхшилашга эришайлик!

СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганиннинг ГФР Федерал Канцлери К. Аденауэрнинг хатига жавоби

Матбуотда хабар берилганидек, 8 февралда СССРнинг Германия Федератив Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси А. А. Смирнов Федерал Канцлер К. Аденауэрга ССР Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганиннинг мактубини топширган эди.

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин 27 февралда ГФРнинг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси В. Хаасни қабул қилди ва В. Хаас Н. А. Булганиннинг шу йил 5 февралдаги мактубига ГФР Федерал Канцлери К. Аденауэрнинг қайтарган жавобини топширди.

Қуйида Н. А. Булганиннинг К. Аденауэр жаноблари 27 февралдаги мактубига қайтарган жавоб хати тексти эълон қилинади. Бу жавоб хат СССРнинг ГФРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси А. А. Смирнов томонидан Федерал Канцлерга 20 мартда топширилди.

Москва, Кремль

1957 йил 18 март.

Ҳурматли Федерал Канцлер жаноблари!

Федератив Республиканинг Элчиси Хаас жаноблари 27 февралда менга Сизнинг мактубингизни топширди. Мен ва менинг коллегаларим бу мактуб билан яхши танишиб чиқиб, Сиз мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни яхшилаш ва ҳар иккала томон учун фойдали бўлган ўзаро алоқаларни кенгайтириш йўлида конкрет қадамлар қўйиш зарур эканлиги ҳақидаги фикримизга қўшилганлигингизни мамнуният билан қайд қиламиз.

Сизнинг мактубингиздан шу нарса маълумки, биз эндиликда Совет Иттифоқи билан Германия Федератив Республикаси ўртасида савдо алоқаларини тартибга солиш ва кенгайтириш масалалари юзасидан яқин орада ҳукуматларимизнинг музокаралари ўтказилиши лозимлиги тўғрисида бир фикрга келдик. Шу фурсатдан фойдаланиб Сизга хабар қиламанки, Совет ҳукумати бундай музокараларни Москвада ёки Бонида апрель ойида (агар шу мудат ГФР Ҳукуматига маъқул бўлса) бошлашга тайёрдир.

Маданий ва илмий-техника ҳамкорлиги тўғрисидаги масалалар даставвал, муваффақиятли суратда дипломатик йўл билан ҳал этилиши мумкин, деган фикрингизга қўшиламан. Бу масалалар юзасидан бизнинг конкрет таклифларимиз яқин орада маълум қилинади.

Сиз хабар берганингиздек, Федератив Республиканинг Москвадаги элчиси консул конвенцияси тўғрисидаги таклифларни тақдим этади. Биз бу таклифларни эътибор билан қараб чиқамиз.

Федерал Канцлер жаноблари, Сизнинг мактубингизда кўтарилган ГФРнинг НАТОда иштирок қилишига тааллуқли масалалар ва Германияни бирлаштириш проблемаси масалаларига келганда шуни айтиш керакки, бунда ҳали ҳам турли фикрда эканлигимизни эътироф этишга тўғри келади. Совет ҳукумати Германияни бирлаштириш проблемасига катта эътибор беради. Мен хусусан Сизнинг Германия Демократик Республикаси тўғрисидаги фикрларингизга қўшила олмайман.

Биз, гоят афсус билан шуни изҳор қиламизки, Федератив Республика ҳукумати рўй берган вазиятга, эътибор етти йилдан ортиқ вақтдан буён икки суверен герман давлати яшаб келаётганлиги ва бу давлатлардан ҳар бири ўз конституцияси, ўз парламенти ва ўз ҳукуматига эга эканлигига тўғри ва реалистик баҳо бериш мумкин деб ҳисобламаётир. Германия Демократик Республикаси ГФРда мавжуд бўлган тартибларнинг ўз территориясида жорий қилинишига рози эмаслигини тушуниш қийин эмас. Ахир, ГФР ҳукумати ҳам Германия Демократик Республикасида мавжуд бўлган шарт-шароитларнинг Федератив Республикага кўчирилишига рози эмаслигини эълон қилаётганлиги равшан-ку. Шу нарсанинг ўзиданоқ аёнки, Германияни қайтадан бирлаштириш учун ҳар иккала герман давлати ўртасида музокаралар олиб бориш ва битимга келиш зарурдир ва шу мақсадга эришиш йўлида бундан бошқа йўл йўқдир.

Аммо, Сиз Федерал ҳукумат ўз мулоҳазаларини махсус нотада батафсил баён қилиш ниятида эканлигини изҳор қилганлигингиз сабабли бу мактубда батафсил тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобламайман. Бу эса юқорида айтиб ўтилган муҳим масалалар юзасидан фикр олишувимизни давом эттириш имконини беради.

Ниҳоят, яна бир мулоҳазамизни изҳор қиламиз. Федерал Канцлер жаноблари бир-биримизга ёзган мактубларимиздан шундай хулоса чиқариш мумкинки, ҳар иккала мамлакатимизнинг Ҳукуматлари Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Германия Федератив Республикаси ўртасидаги муносабатлар ишонч ва дўстлик вазиятида ривожланишига жиддий эътибор бермоқдалар. Шу муносабат билан мен ГФР Ташқи ишлар министри фон Брентанонинг яқинда қилган баёнотлари фақат афсусланишга сабаб бўлиши мумкин эканлигини таъкидламай ўтолмайман. Фон Брентанонинг шу баёнотларда Совет Иттифоқи ва унинг ташқи сиёсати тўғрисида ҳар қандай асосдан маҳрум бўлган гаплар ва Совет Иттифоқига ҳамда унинг ташқи сиёсатига қарши очиқдан-очиқ таъна қилинган гаплар айтилган. Германия Федератив Республикаси Ташқи ишлар министрининг бундай баёнотлари давлатларимиз ўртасидаги муносабатларни яхшилаш манфаатларига асло мувофиқ эмас. Совет ҳукумати эса ана шу муносабатларни яхшилашга астойдил интилмоқда.

Федерал Канцлер жаноблари, Сизга бўлган иззат-ҳурматимни қабул қилгайсиз.

Н. БУЛГАНИН

Германия Федератив Республикаси Федерал Канцлери Конрад Аденауэр Жаноб Олийларига

Бонн.

Венгриялик меҳмонлар Лужникидаги Марказий стадионни бориб кўрдилар

Совет ҳукуматининг таклифига мувофиқ Москвада меҳмон бўлиб турган Венгрия революцион ишчи-деҳқон Ҳукуматининг раиси ва Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий комитетининг раиси Янош Кадар ҳамда Венгрия Халқ Республикаси ҳукумат-партия делегациясининг бошқа аъзолари 22 мартда Лужникидаги В. И. Ленин номли Марказий стадионни бориб кўрдилар. Меҳмонлар стадионнинг кенг территориясини айланиб чиқдилар, кичик спорт майдонида, енгил атлетикачилар машқ қиладиган ёпиқ залда бўлдилар. Венгер халкнинг вакиллари Москва шаҳар спартакиадасида қатнашаётган гимнастикачиларнинг ўйинларини завқ билан томоша қилдилар. Делегация аъзолари асосий спорт майдонини, спорт саройини, сузиш ҳавзасини ва Марказий стадионнинг турли биноларини анча вақт томоша қилдилар.

Янош Кадар ва делегациянинг бошқа аъзолари Марказий стадионнинг қандай қурилганлиги, мусобақа қатнашчилари ва томошабинлар учун қандай қулайликлар вужудга келтирилганлиги билан, яқин йиллар ичида стадион территориясида нималар қурилиши мўлжалланаётганлиги билан қизиқдилар. СССР Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт комитетининг раиси Н. Н. Романов ва стадион директори В. Г. Напастников меҳмонларнинг саволларига жавоб қайтардилар. Улар Совет Иттифоқида спортнинг қандай ривожланаётганлиги тўғрисида ҳам сўзлаб бердилар.

Делегация аъзолари фахрли меҳмонлар дафтарига қуйидаги сўзларни ёзиб қолдирдилар: «Венгрия ҳукумат-партия делегациясининг стадионни томоша қилиши энг чиройлик спорт комбинатини келиб кўришгина бўлмай, балки Венгрия спортчилари билан СССР спортчилари ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантиришга ҳам хизмат қилади».

Венгрия Халқ Республикасининг ҳукумат-партия делегацияси стадионга келганида, СССРнинг Венгрия Халқ Республикасидаги элчиси Е. И. Громов, СССР Ташқи ишлар министрлиги 5-Европа бўлими мудирининг ўринбосари М. А. Попов, СССР Ташқи ишлар министрлиги Протокол бўлими мудирининг ўринбосари К. А. Кочетков, СССР Ташқи ишлар министрлигининг масъул ходимлари, венгер ва совет журналистлари делегацияга ҳамроҳ бўлдилар. (ТАСС).

ВЕНГРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТ-ПАРТИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ЛЕНИНГРАДГА КЕЛИШИ

ЛЕНИНГРАД, 23 март. (ТАСС). Бугун эрталаб бу ерга Венгрия революцион ишчи-деҳқон ҳукуматининг раиси ва Венгрия социалистик ишчи партияси Марказий комитетининг раиси Янош Кадар, Венгрия Халқ Республикаси президиумининг раиси Иштван Доби ҳамда Венгрия Халқ Республикаси Ҳукумат-партияси делегациясининг бошқа аъзолари келдилар.

Делегация билан бирга Ленинграда КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. А. Суслов, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари ва РСФСР Олий Совети Президиумининг Раиси М. П. Тарасов ва бошқа расмий кишилар, шунингдек Венгрия ва Совет журналистлари келдилар.

Ленин шаҳрининг юзлаб меҳнаткашлари Москва вокзалига келдилар. Бу ерда КПСС область комитетининг биринчи секретари Ф. Р. Козлов, шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Н. И. Смирнов, КПСС шаҳар комитетининг биринчи секретари И. В. Спиридонов ва бошқалар ҳам ҳозир бўлдилар.

Шаҳар Совет ижроия комитетининг раиси Н. И. Смирнов меҳмонларни самимий равишда табриклади.

Янош Кадар жавоб нутқи сўзлади.

Гигант паррандачилик фабрикаси



Москва ёнидаги Братцевск паррандачилик фабрикаси мамлакатимиздаги йирик паррандачилик корхоналаридан биридир.

Фабрикада товуқларни боқиш, асраш ва парвариш қилиш, илғор совет зоотехника фани асосида уюштирилган. Товуқлар зотини яхшилаш, уларнинг янги зотларини чиқариш соҳасида наслчилик ишлари ҳам олиб борилмоқда. Бунинг натижасида товуқларнинг зоти яхшиланмоқда, янги зотлари чиқарилмоқда ва маҳсулдорлиги оширилмоқда. Паррандалар сони йилдан йилга кўпайиб, улар тобора сергўшт, сертухум, тухумлари эса салмоқли бўлаётир.

Фабрикада йилига 24 миллион дона тухум етиштирилади. Ҳозир Москва ва бошқа шаҳарлардаги савдо шохобчаларига; даволаш муассасаларига ҳар куни 60 минг донадан тухум ва бир неча тонналаб парранда гўшти жўнатиб турилибди.

Фабриканинг инкубация (жўжа очириш) цехи ҳам бор. Бу цехда ҳар икки-уч кунда 10-15 минг жўжа очириб чиқарилади. Сергўшт, сертухум ва тухуми салмоқдор зотдор товуқлар жўжалари колхоз, совхозларнинг паррандачилик фермаларини тўлдириш учун юборилади. Жўжаларнинг бир қисми гўшт қилиш учун боқишга қўйилади.

Фабрикада сертухум товуқлар махсус катта, озода, иссиқ ва ёруғ залларда асралади. Улар кундуз кунлари залларнинг олдидаги катта, кенг майдонларга қўйиб юборилади.

Суратларда: 1. К. А. Тимирязев номидаги Москва қишлоқ хўжалик академиясининг аспиранти **Ян Чжун-юан** ва парранда боқувчи **Л. Наплиенковалар** фабрика лабораториясида тажриба ўтказаётирлар. 2. Катакларда тухум қилувчи товуқлар цехининг 7-зали. Бу залда 23 минг товуқ асралади.

Л. Портер ва М. Редкин фотолари (ТАСС фотохроникаси).



Пахтачилик илмини ижодий ривожлантириш учун

Пахтачилик соҳасидаги илмий-текшириш ишларини мувофиқлаштириш юзасидан республикаларарО кенгашидан

Пахтачилик соҳасида иш олиб борувчи олимларнинг республикаларо кенгаши Тошкентда беш кун давом этди. Бу кенгашни Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ҳузуридаги пахтачилик соҳасида илмий-текшириш ишларини мувофиқлаштириш комиссияси ўтказди.

Ялпи мажлисларда ва секция мажлисларида юзга яқин доклад ва ахборотлар тингланди ҳамда муҳокама қилинди. Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон ва Озарбайжон Фанлар академияларининг, Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-текшириш институтининг, суғориладиган ерларда механизациялаш ва электрлаштириш Ўрта Осиё илмий-текшириш институтининг, Ўрта Осиё ирригация илмий-текшириш институтининг, Тожикистон ССР Деҳқончилик институтининг, Туркманистон ССР Деҳқончилик институтининг, Озарбайжон гидротехника ва мелиорация илмий-текшириш институтининг ҳамда Арманистон ССР Деҳқончилик институтининг вакиллари 1956 йилда пахтачилик соҳасида олиб борилган илмий-текшириш ишларининг якунлари тўғрисида доклад қилдилар.

Кенгаш қатнашчилари пахтадан мўл ҳосил олишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш проблемаларига катта эътибор бердилар. Кейинги йилларда тўсиқнинг ривожланишини тезлаштирадиган факторларни назарий жиҳатдан текшириш ишлари кенгайтирилди.

Шу билан бирга ҳалигача ҳал қилинмаган кўпгина масалалар борлиги ҳам айтиб ўтилда. Чунончи, чигит экишнинг шундай усулларини ва механизмларнинг шундай эффектив конструкцияларини топиш керакки, улар чигитнинг бир текисда униб чиқишини ва ғўзанинг ўсларда тўғри жойлашувини таъминлайдиган бўлсин. Яхшилаштирилган участкаларда суғориш ишларини автоматлаштириш ва механизациялаштиришни кенгайтириш талаб қилинади.

Биология, селекция ва уруғчилик секциясида маълум қилиндики, 1956 йилда олимлар сорт синаш давлат муассасаларига пахтанинг бир қанча янги серҳосил сортларини топширдилар.

Микробиология соҳасида кўп иш қилинди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг олимлари ғўза, беда ва маккажўхорининг илдиз системаси зонасида тўпланадиган микроорганизмлар составининг хусусиятларини, уларнинг ривожланиши тупроқдаги сув ва ҳаво режимига қанчалик боғлиқ эканлигини биринчи марта ўргандилар.

Ўсимликлар ҳомашёси ва пахта химияси соҳасида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг олимлари ҳозирги вақтда ишлаб чиқарилаётган машиналар социалистик қишлоқ хўжалиги талабларига тўла даражада жавоб бермаётганлиги жиддий камчиликлардандир.

Экономика ва қишлоқ хўжалигини ташкил этиш секциясининг мажлисларида кўпгина қизиқарли ахборотлар берилди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси экономика институтининг ходимлари бошқа илмий муассасаларнинг олимлари ва тажрибакорлар билан ҳамкорликда 1956 йилда Ўзбекистон территориясини қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришини ихтисослаштириш зоналарига бўлиш схемаларини тузиш соҳасида маълум иш қилдилар.

Кенгаш қатнашчилари Мирзачўлни ўзлаштириш проблемаларига катта эътибор бердилар. Қўриқ ерларни суғориш ва ўзлаштирилган ерларнинг мелиорация ҳолатини яхшилаш бош планининг проекти кенг муҳокама қилинди.

Олимлар пахтачилик илмининг айрим соҳаларидаги муваффақиятларни ва камчиликларни таҳкиллаб, бу фанни янада ривожлантиришга халақит бераётган асосий сабабларни очиб ташладилар. Илмий-текшириш муассасаларининг ходимлари кўпинча амалий масалаларни ҳал қилиш билан шуғулланиб, уларни илмий асосда умумлаштиролмаётганлиги, бундай умумлаштириш бу масалаларни анча қисқа муддатларда ҳамда куч ва маблағларни камроқ сарфлаб ҳал этишга ёрдам берган бўлур эди.

Кенгаш қатнашчилари пахтачилик соҳасидаги тадқиқотларнинг натижаларини умумлаштириб мамлакатнинг пахтакор республикаларида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада юксалтиришга қаратилган ва мувофиқлаштирилган тадқиқот ишларининг кенг программасини белгиладилар. (ЎзТАГ).

В. И. Лениннинг «Нима қилмоқ керак?» номли гениал асари босилиб чиққанига 55 йил тўлиши муносабати билан

В. И. Лениннинг «Нима қилмоқ керак?» номли асари босилиб чиққанига 23 мартда 55 йил тўлди.

Москвадаги В. И. Ленин Марказий музейи залларидан бирида бутун дунёга машҳур бўлган ана шу китобнинг номи мармар тахтага олтин ҳарфлар билан ёзилган. 1902 йилда Штутгартда чиқарилган «Нима қилмоқ керак?» китобининг «Ҳаракатимизнинг ечилиши зарур бўлган масалалари» деган кичик сарлавҳали биринчи нашри ойна тагига қўйилган.

Лениннинг китобдан олинган қуйидаги ўлмас сўзлари мармарга ёзилган: «Революцион назарияси революцион ҳаракат ҳам бўлиши мумкин эмас...

Илғор назарияга амал қиладиган партиягина илғор курашчининг ролини бажара олади».

Сўнгра бундай дейилади: «...Бизга революционерлар ташкилотини беринг ва биз Россияни ўзгартириб юборамиз!».

Полиция департаменти «делоси»нинг фото копияси витринага қўйилган. Бунда Лениннинг кўп фикр қўзғатган «Нима қилмоқ керак?» номли китоби чет элда нашр этилганлиги тўғрисида гапирилади.

«Искра» газетасининг мазкур китоб босмадан чиқарилганлиги ҳақида эълон берилган сони музейга қўйилган. СССРдаги ва чет эллардаги халқларнинг тилларида нашр этилган шу асарнинг кўп нусҳалари бор. В. И. Лениннинг «Нима қилмоқ керак?» номли асари Совет Иттифоқида СССР халқларининг 34 тилида 151 марта нашр этилди. Бу китобнинг умумий тиражи 6 миллион 600 минг нусҳадан ортиқдир.

«Нима қилмоқ керак?» номли китоб чет элларда — Париж, Лондон, Нью-Йорк, Бомбей, Калькутта, Брюссель, Прага, Варшава, Бухарест, Токио, Монтевидео, Тиранада ва дунёнинг бошқа шаҳарларида нашр этилди. (ТАСС).

Касаба союзларнинг ишини янги вазифалар даражасига кўтарайлик

(Ўзбекистон касаба союзлари Советининг пленуми)

22-23 мартда Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг пленуми бўлди. КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг якунлари ва Ўзбекистон касаба союз ташкилотларининг вазифалари тўғрисида Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг раиси Ж. К. Хўжаев доклад қилди.

Пленумда қайд қилиндики, республика касаба союзлари партия XX съезднинг тарихий қарорларига амал қилиб, оммани хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини бажаришга сафарбар қилиш йўлида кейинги вақтда бир мунча ишларни қилдилар. Бир қанча корхоналарда касаба союз комитетлари коллективларнинг ишлаб чиқариш ҳаётига актив таъсир ўтказиб, уларнинг давлат планларини муваффақиятли бажаришларига эришмоқдалар. Масалан, Тошкентдаги «Подъёмник» заводи, Термез паровоз депоси, Чирчиқдаги УНР-225 бошқармаси, Жарқўрғон МТСи касаба союз комитетлари кейинги вақтларда ишлаб чиқариш масалалари билан, рационализаторлик ишларини ривожлантириш, ишчи ҳақи ва меҳнатни нормалаштириш ишларини йўлга қўйиш, коллектив шартномалардаги шартларнинг бажарилиши, ишчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш масалалари билан конкрет равишда шуғулланадиган бўлиб қолдилар.

Шу билан бирга, касаба союз ташкилотларининг ишларида катта камчиликлар борлиги ҳам кўрсатиб ўтилди. Бу камчиликлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган IV пленумида қаттиқ танқид қилинди.

Касаба союзлари Андижон область Советининг раиси А. Мўйдинов ва Қорақалпоғистон область Совети раиси И. Пирназаров, қишлоқ хўжалиги ва тайёрлаш ишчилари ҳамда хизматчилари касаба союзи Республика комитетининг секретари А. Супоницкий ва пленумда қатнашган бошқа ўртоқлар ўз сўзларида республика касаба союзларининг ҳозирги структураси турмуш талабларига жавоб бермаётганлигини ҳамда саноат ва қурилиш ишларини ташкил қилишнинг бошқармачилик принципини акс эттиради, деб уқтириб ўтдилар. Ўзбекистон касаба союзларининг ҳозирги вақтда 663 республика, область, шаҳар ва район комитетлари мавжуд бўлиб, улар 8.290 бошланғич ташкилотни бирлаштирмоқда. Структуранинг бу хил кўп поғонали ва мураккаб бўлганлиги раҳбарликда канцелярячилик-бюрократик усуллари ва методларини, жонли ташкилотчилик ишлари ўрнига қоғозбозликни вужудга келтиради.

Пленум қатнашчилари бу ҳақда гапириб, касаба союз органларининг структурасини ўзгартириш тўғрисида таклифлар киритдилар. Жумладан, касаба союзларнинг область комитетлари каби звеноларини тугатиш, шунингдек республика комитетларининг функционал бўлимларини тугатиш ҳамда улар ўрнига бу комитетлар ҳузурида инструкторлар группаларини барпо этиш мақсадга мувофиқ бўлур эди, деган фикрлар айтилди. Бундай инструкторлар группаларининг ходимлари ўз вақтларининг кўп қисмини бошлангич ташкилотларда ўтказиш имкониятига эга бўладилар.

Бир қанча ўртоқлар қайд қилиб ўтдиларки, республика касаба союзлари саноат-молия планларини ишлаб чиқиш ва бажариш, нормалашни ва иш ҳақини ташкил қилиш, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги ишларини яхшилаш, ишчи ва хизматчиларнинг маданий-маиший талабларини қондиришга доир масалаларни ҳал қилишда етарли даражада жанговарлик ва қатъият, принципиаллик ва ташаббус кўрсатмаётирлар.

Кўпгина касаба союз ташкилотлари коллектив шартномаларнинг бажарилишини лозим даражада контроль қилмайдилар. Бир қанча корхоналарда техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш, ўй-жой қурилиши ва маданий-маиший қурилиш ишлари учун ажратиладиган кўп маблағлар йилдан-йил фойдаланилмасдан қолмоқда. Коммунал корхоналарнинг, болалар ва даволаш муассасаларининг, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг иши устидан контроллик қилиш яхши ташкил этилмаган. Маданий-оммавий ишлар ҳам меҳнаткашларнинг ўсиб бораётган талабларига жавоб бермаётир.

Пленум қатнашчилари ўз сўзларида уқтириб ўтдиларки, КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг қарори халқ хўжалигини ривожлантиришда янги муҳим даврни нишонлайди, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг резервларидан тўлароқ фойдаланиш учун янги имкониятлар очиб беради.

Ўзбекистон касаба союзлари Республика советининг пленуми қабул қилган қарорида КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг қарорини тўла равишда маъқуллаш ҳамда республика касаба союзлари Совети президиумига касаба союз органларининг структурасини саноатни ва қурилишни бошқариш структурасининг ўзгартилишига мувофиқ суратда ўзгартириш тўғрисида таклифлар тайёрлашни ва ВЦСПСга тақдим қилишни топширди. Хўжалик ва маданий қурилишда касаба союзларининг ролини оширишга қаратилган тадбирлар белгиланди.

Пленум уй-жой ва маданий-маиший қурилиш ишларининг аҳволи ва қурилиш планининг бажарилишини таъминлаш тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон ССР Қурилиш министри С. Иброҳимовнинг ва қурилиш ишчилари касаба союзи Республика комитети раиси Р. Юнусовнинг докладларини ҳам муҳокама қилди.

Қурилиш министрлиги ва унга қарашли ташкилотлар ўтган йил уй-жой, маданий-маиший муассасалар қурилиш ишларининг ҳажмини анча оширдилар.

Шу билан бирга, докладларда ва музокараларда қайд қилиндики, министрлик ва трестлар қурилиш ишларига тегишинча оператив раҳбарлик қилмаганликлари, меҳнатнинг қониқарсиз ташкил қилинганлиги, ишларнинг етарлик механизациялаштирилмаганлиги, шунингдек материал-техника таъминотининг яхши йўлга қўйилмаганлиги натижасида ўтган йил 73 минг квадрат метр ўрнига 70 минг квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди.

Пленумда кўрсатиб ўтилдики, касаба союз ташкилотлари ишлаб чиқаришни яхши контроль қилмаётганликлари, меҳнатни ташкил қилишдаги камчиликларни бартараф қилиш, ишчиларнинг маданий-маиший шароитларини яхшилаш масаласида қурилиш ташкилотларининг раҳбарларига нисбатан етарли даражада талабчанлик кўрсатмаётганликлари бу камчиликларнинг рўй беришига анча даражада сабаб бўлмоқда.

Пленум қабул қилган қарорида республикада уй-жой қурилишини ва маданий-маиший қурилишни яхшилаш тадбирларининг кенг планини белгилади. (ЎзТАГ).

Қишлоқ хўжалигига кўпроқ ўғит етказиб берамиз

Чирчиқ химикларининг мажбурияти

Область саноат корхоналарининг коллективлари КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллигини байрам қилишга тайёргарлик тўғрисида»ги қарорига жавобан ўз зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятлар олмоқдалар.

Бу қарорни Меҳнат Қизил Байроқ орденли Чирчиқ электрохимия комбинатининг коллективи баланд руҳ билан кутиб олди. Химиклар ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, қишлоқ хўжалигига кўпроқ ўғит етказиб беришга қарор қилдилар. Бу йил ўтган йилдагига нисбатан 30 минг тонна кўп аммиак селитраси ва пландан ташқари мингларча тонна азот ўғити етказиб беришга аҳд қилинди.

Комбинат коллективи йиллик плани 27 декабрда бажариш мажбуриятини олди. Маҳсулот таннархи пландагига нисбатан 0,5 процент камайтирилади ва меҳнат унумдорлиги ўтган йилдагидан 11 процент оширилади.

Йил давомида рационализаторлик таклифларини жорий этиш ҳисобига давлатнинг камида 7,5 миллион сўмлик маблағини тежаб қолишга қарор қилинди.

Комбинат коллективи корхонанинг қувватини ошириш мақсадида май ойида олтин гугурт тозалаш цехини монтаж қилиш ишини тугаллаш, июль ойида 2-газогенераторни, биринчи ва иккинчи кварталларда эса учта сув скрубберларини ишга туширишни мажбуриятини олди.

Химиклар республика қишлоқ хўжалигини суюқ ўғитлар билан таъминлаш — 440 тонна аммиакат, 2625 тонна аммиак суви ва 1620 тонна суюқ аммиакни ғўзаларни озиқлантириш муддатларида етказиб беришга сўз бердилар.

Иккинчи кварталда 880 квадрат метр, учинчи кварталда 1500 квадрат метр, тўртинчи кварталда эса 880 квадрат метр ҳамласи бўлиб шу йил мобайнида камида 3260 квадрат метр уй-жой майдони фойдаланишга топширилади.

Улуғ Октябрнинг 40 йиллиги байрамигача 850 кишилик Химиклар саройи қуриб битказилади.

Комбинат бошқармаси бўлимларини ва бошқа ёрдамчи биноларни зичлаштириш ҳисобига камида 10 хонани уй-жой учун ажратиш, бинолардан бирида 50 ўринли болалар боғчаси ташкил этишга қарор қилинди.

Бу янги социалистик мажбурият Чирчиқ электрохимия комбинатининг барча цехларида ва сменаларида муҳокама этилиб, яқдиллик билан қабул қилинган.

Медицина янгиликлари

УЛЬТРАТОВУШ ЛОКАТОРИ

И. П. Смирнов номли илмий - текшириш институти яратган медицина аппаратуралари ва асбобларидан ташкил этилган виставкадаги бир аппарат кўпчилик эътиборини тортмоқда. Бу телевизорни эслатадиган экранли аппарат бўлиб, бирлаштирувчи кабелга, ультратовуш тўлқинларини ўтказадиган тешикчали узатувчи асбобга эга. Бу асбоб киши организмидаги шишларни аниқлайди. Асбоб қуйидаги принцип асосида ишлайди. Ультратовуш тўлқинлари бир жинсли материалдан ўтаётганида бошқа характердаги материалга (масалан, инсон организмида қайта бунёдга келаётган тўқима, шишга) дуч келади. Ана шунда ультратовуш тўлқинлари бошқа жинсдаги материалга тегиб, нур чизиқлари ҳосил қилади ва ёт материалнинг шаклини экранга чизади. Бу асбоб яқинда онкология институтига берилади ва шишлар диагностикасини аниқлашда врачларнинг энг муҳим қуролига айланади.

ЯНГИ БОРМАШИНА

Тиш оғриғига дучор бўлганлар бормашина номини эшитганларида бир ғижиниб кетадилар. Чунки бу машина тишни арралаганда тишни титратиб, кишининг ғашига тегади. Лекин янги ясалган ультратовуш бормашинаси ана шу катта нуқсондан ҳолидир. Бу машина тишни ковлаганда киши ҳеч қандай оғриқ сезмайди. Иккинчидан эса бу машина ёрдами билан тиш орасида истаган кавакни ҳосил қилиш мумкин ва истаган формадаги конфигурация олиш мумкин. Бу машина ҳам ультратовуш принципи асосида ишлайди. Тишни «ковлайдиган» материал сифатида магнезий порошоги ишлатилади. Машина чиқарадиган товуш эса фақат қаттиқ жисмга (тишга) таъсир қилиб, юмшоқ жисм, милк ва нерварга асло таъсир қилмайди. Шунинг учун ҳам киши оғриқ сезмайди.

«ХБ» ПРЕПАРАТИ

Кейинги пайтларда дезинфекция практикасида янги бактерицид препарати қўлланилмоқда. «ХБ» препарати деб аталган бу дори хлораминга ўхшаган моддадир. «ХБ» препарати эффектлилиги жиҳатидан хлораминдан қолишмаса ҳам, арзон тайёрланади.

«ХБ» препаратининг ичак касалликларини, бруцеллезни, куйдурги, полиомиэлит сингари юқумли касалликларни қўзғатувчи микробларга таъсири синаб кўрилди ва чуқур текширилди.

СССР Химия саноати министрлигига қарашли заводлардан бирида «ХБ» препарати тайёрловчи махсус цех очилди.

Қишлоқ хўжалик заказларини ўз муддатида бажарайлик!



«Подъёмник» заводининг коллективи қишлоқ хўжалик буюртмаларини тайёрлаш суръатини тобора тезлаштирмоқда. **Суратда:** механика цехининг токари Б. Павловский. У тракторлар учун запас қисмлар ишлаб чиқаришда тезкорлик методини қўлланиб, кундалик норманн 180 процентга етказиб бажармоқда.

В. Салов фотоси.

Муҳим заказлар ҳар қандай шароитда ҳам сўзсиз бажарилсин

Баҳор бошланди. Областимиздаги ҳамма колхоз, совхоз ва МТСларда кўкламги экиш кампаниясига зўр тайёргарлик кўрилмоқда. Барча колхозчи ва механизаторлар шу кунларда чигитни ва бошқа экинларни қулай агротехника шароитларида экиб олиш, уни бехато ундириш ҳамда ғўзанинг дастлабки парваришини бошлаб юбориш иштиёқида яшамоқдалар.

Областимизда кўклам экиш кампаниясини муваффақиятли якунлаш кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводларининг ишига боғлиқдир. Чунки бу заводлар экиш учун зарур бўлган машина ва механизмларни, запас қисмларни ўз вақтида етказиб бермасалар, жиддий ютуққа эришиш қийин. Шунинг учун ҳозирги кунда қишлоқ хўжалик заказларини ўз вақтида кўнгилдагидек бажариш ҳар бир корхона коллективи олдида турган энг муҳим вазифадир.

Хўш, областимиз машинасозлиги заводлари қишлоқ хўжалик заказларини қандай бажараётирлар?

Очиғини айтганда, заводлар бу биринчи даражали ишни пайсалга солмоқдалар.

«Ўзбексельмаш» заводи бир йўла олти қаторга чигит экадиган «СКГХ-6-А», «СКГХ-4-6» маркали сеялкалар ишлаб чиқаради. Корхона коллективи шу йил биринчи кварталда шундай агрегатлардан 2 минг дона ишлаб бериши керак эди. Бироқ ҳозиргача заводда фақат 1300 га яқин сеялка тайёрланди.

Бундан ташқари, тўрт қаторлаб чигит экадиган «СКГХ-4» сеялкасини оралиги 60 сантиметр қилиб, ўлчов сими билан экишга мослаб модернизация қилиш учун область совхоз ва МТСларига етказиб берилиши лозим бўлган 124 узелидан 20 мартгача ярмидан кўпроғи берилди, холос.

Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи шу кварталда областимиздаги «Универсал-4» тракторлари учун 445 дона «передок» деб аталадиган қисм ишлаб чиқариши керак эди. Бу ерда ҳам ҳозиргача юқоридаги сингари аҳвол — заказларнинг атиги ярмидан сал кўпроғи бажарилди. Завод пахтакорлардан қарийб 200 та «передок» ва 500 тадан кўпроқ планировщик қаҳ.

«Чирчиксельмаш» заводи коллективи культиваторлар учун буюрилган валиклар комплектини ўз муддатида тайёрлаб берган бўлса ҳам, борона тишлари ишлаб чиқариш топшириғини қониқарсиз бажармоқда. Биринчи квартал учун белгиланган 40 минг дона борона тишидан ҳозиргача завод 20 мингтасини ҳам бергани йўқ.

Келтирилган фактлардан кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалик заказларини бажарувчи энг йирик заводларда иш оқсаётир. Заказларни ўз вақтида ишлаб беришнинг бунчалик кечикиб кетишига дастлаб мазкур корхоналарнинг раҳбарлари айбдордир. Улар ички имконият ва резервларни ана шу соҳага сафарбар қилиш тўғрисида эртароқ жиддий қайғирмадилар, турли баҳоналарни рўкач қилиб, ишни ҳамон кейинга суриб келмоқдалар. Бунинг устига, Куйбишев район партия комитети, Чирчиқ шаҳар партия комитети ҳамда область қишлоқ хўжалик бошқармаси бу заказларни тезда бажаришни қаттиқ талаб қилмаётирлар. Область қишлоқ хўжалик бошқармаси ҳатто заводларда тайёрланган деталь, узель ва машиналарни ўз вақтида олиб, тегишли районларга юборматир.

Пахтакорларимиз пахта етиштиришда ўтган йили қўлга киритилган ютуқларни бу йил янада янги галабалар билан мустаҳкамлаш, Улуғ Октябрнинг шонли 40 йиллигини давлат пахта тайёрлаш планини бажарган ҳолда кутиб олиш учун жонбозлик кўрсатиб ишлаётган бир пайтда уларнинг муҳим заказларини бажаришни пайсалга солиш умум ишимизга зарар етказади. Ҳар қандай шароитда ҳам бу заказларни сўзсиз бажариш — ҳар бир завод коллективининг шарафли бурчидир.

В. ГУСЕВ,

Область партия комитети саноат ва транспорт бўлимининг инструктори.

Пахтакорлар учун

Тошкентдаги ремонт-механика заводи коллективи шу кунларда колхоз, совхоз ва МТС лардан олинган барча заказларни муддатидан олдин сифатли қилиб тайёрлаб бериш ҳамда уларни тезроқ пахта далаларига жўнатиш учун ғайрат билан меҳнат қилаётирлар. Корхона ишчилари, инженер-техник ходимлари қишлоқ хўжалиги учун фақат февраль ва март ойининг биринчи ўн кунлигида белгиланганидан қарийб 200 минг сўмлик ортиқча турли хил асбоб-ускуналар ишлаб чиқардилар ва заказчиларга юбордилар.

Завод коллективи кўклам экиш кампаниясини муваффақиятли ўтказиш учун олиб борилаётган умумхалқ ҳаракатига ўз муносиб ҳиссасини қўшаётир. Сўнгги 40 кун ичида корхона колхоз ва совхозларга қарийб 20 минг кетмон, 4 ярим минг дона белкурак, МТСлар учун 1700 та 200 литрли бензин бочкаси ва кўп миқдорда 3 тоннали цистерналар ва бошқа хил нарсалар тайёрлаб берди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллик байрамини меҳнат унумдорлигини янада кўтариш, маҳсулот сифатини яхшилаш билан кутиб олиш учун ғайрат ва ташаббус кўрсатиб ишлаётган 2-цех слесари А. Ивашченко, 5-цех темирчилари Г. Абдуллаев, З. Эргашев, пайвандчилардан М. Сомов, Б. Қодиров ўртоқлар смена нормаларини 2-3 ҳисса ошириб бажараётирлар.

Яқинда завод коллективи пилла қурти эсраш хоналари учун керакли асбоб-ускуналар, пуркагичлар учун бочкалар ишлаб чиқаришга киришди.

А. АБДУЛЛАЕВ.

2740 та арава ишлаб чиқарилди

Шонли Октябрнинг 40 йиллиги байрамини муносиб кутиб олиш учун астойдил меҳнат қилаётган Тошкентдаги аравасозлик заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ишлаб чиқаришда катта ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Улар йил бошидан то 11 мартгача пландаги 2500 ўрнига 2740 та бир отли ва қўш отли аравалар тайёрлаб, колхоз ва совхозларга жўнатдилар.

Корхона коллективи аравадан ташқари автомашина кузовлари ҳамда кичик размерли бороналар ишлаб чиқараётир. Завод ишчилари сўнгги икки ой ичида пландан ташқари 68 та кузов ҳамда 1800 комплект борона тайёрлаб бердилар.

Цехларарo мусобақада голиб чиққан темирчилик цехининг ишчилари, айниқса, юқори кўрсаткичларга эришдилар. Ўртоқ Л. Зелберман бошлиқ бу цех меҳнатсеварлари икки ойлик программани 130 процент бажариб, планга қўшимча равишда бир неча минг сўмлик маҳсулот бердилар. Улар март ойининг биринчи ярмини ҳам муваффақиятли якунладилар. Цехнинг Т. Илҳомов, А. Яшин, А. Трушин каби илғор ишчилари смена топшириқларини ҳар доим 300-350 процент бажариб, бошқаларга намуна кўрсатаётирлар.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

ПАРТИЯ ТЕМАСИДА

Хўжаликнинг барча тармоқларини комплекс ривожлантирайлик

Партиямизнинг тарихий XX съездидан буён бир йилдан сал кўпроқ вақт ўтди. Бу давр партия ташкилотлари учун ҳақиқий синов даври бўлди. Ишлаб чиқаришга раҳбарлик қилиш, меҳнаткашлар оммасининг хўжаликни юксалтириш учун курашини ташкил этиш юзасидан олиб борилган сиёсий-тарбиявий ишлар савияси съезд қарорларида қўйилган талаблар даражасига кўтарилган жойларда, шубҳасиз, яхши натижаларга эришилаётир. Буни бизнинг колхозимиз мисолида ҳам кўриш мумкин.

Кейинги вақтда партия ташкилотининг фаолиятида ишлаб чиқаришнинг муҳим масалалари — қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини ошириш, чорвачиликни ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини кўтариш масалалари асосий ўринни эгаллай бошлади.

Тажриба партиявий-ташкилий ва сиёсий ишлар хўжалик вазифаларининг муваффақиятини таъминлайдиган даражага кўтарилса, сўзсиз, ишлаб чиқаришда янгидан-янги муваффақиятларга эришиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Колхозда 1955 йили ҳар гектардан 18 центнердан пахта ҳосили олинган эди. Ана шу ерлардан 1956 йили эса 29 центнердан ҳосил олинди. Партия ташкилоти ўз ишини XX съезд қарорлари асосида тубдан қайта қуриб, ишлаб чиқаришга чуқур аралашабошлагани, омма ўртасида ташкилотчилик иши олиб бориш, уни съезд қарорлари ҳамда партия ва ҳукуматимиз пахтачиликни ривожлантириш юзасидан кейинги вақтда қабул қилган қарорларни амалга ошириш учун курашга тўла сафарбар этганлиги сабаблари бир йил ичида пахта ҳосилини гектар бошига 11 центнер ошириш мумкин бўлди. Хўжалик йилининг охирида мўл ҳосил учун кураш юзасидан партия ташкилоти олиб борган ташкилий ва сиёсий ишларга якун ясаганда биз шундай хулосага келдик.

Пахтанинг ҳосилдорлигини бир йил ичида бу қадар кескин оширишга, албатта, пахта етиштиришнинг илғор прогрессив усулларини кенг қўлланиш туфайли эришилди. Аммо колхозимизда бу янгилик 1955 йилиёқ қўлланилабошланган эди. Ҳамма гап шундаки, илгари партия ташкилотининг хўжалик соҳасидаги фаолияти ишлаб чиқаришга таллуқли муҳим масалаларни партия бюросида тор доирада муҳокама қилиш ва қарор қабул қилиш билан чегараланар эди. Бунда коммунистлар ва партиясиз активлар иштирок этгирилмас, уларнинг фикри билан ҳисоблашиш лозимлиги эътиборга олинмас эди.

Масалан, 1955 йили колхозда пахта етиштиришнинг илғор прогрессив усулларини қўлланишга ўтиш ва уни амалга ошириш тадбирларини белгилаш масаласи партия бюросида муҳокама қилинганда колхознинг имкониятлари, пахтачиликни механизациялаштириш даражаси ва илғор пахтакорларнинг бу соҳада ортдирган тажрибаси тўла ҳисобга олинмади. Қабул қилинган қарорга мувофиқ жуда оз майдонга чигит квадрат-уялаб экилди ва ғўзага машина билан икки томонлама ишлов бериш кенг қўлланилмади.

Бундан ташқари янги усулнинг афзалликлари, у пахта ҳосилини оширишнинг асосий омили эканлиги, қардош Тожикистон республикаси пахтакорларининг бу соҳада ортдирган тажрибаси колхозчилар ўртасида етарли пропаганда қилинмади. Натижада ҳосил мақсаддагидек бўлмади. Ваҳоланки колхоз бўйича гектаридан ўрта ҳисобда 18 центнердан ҳосил олинган ҳолда чигит квадрат-уялаб экилган ва ғўза қатор оралари машина билан икки томонлама ишланган майдонларда гектаридан 25 центнер атрофида ҳосил олинди.

Партия ташкилоти 1956 йили колхоз правлениеси билан биргаликда экинларни планлаштириш масаласини ҳал қилишга бошқача ёндошди. Чигитни қанча ерга ва қай усулда экиш масаласи коммунистлар, партиясиз бригада ва звено бошлиқларининг иштирокида ўтказилган очиқ партия йиғилишида кенг муҳокама қилинди. Бригада ва звено бошлиқлари ўз тажрибалари асосида қайси участкаларда бошданоқ чигитни квадрат-уялаб экиш мумкинлиги, қаерга дастлаб чигитни оддий усулда экиб, сўнг механизмлар ёрдами билан квадрат қилиб қирқиш мумкинлиги ҳақида маслаҳат бердилар. Оқибатда 380 гектар ерга чигит квадрат-уялаб жойлаштирилди ва машина кираоладиган барча карталарнинг ғўзаси квадрат қилиб қирқилди. Шундай қилиб ўтган йили 1225 гектар майдондан 1050 гектарила ғўза қатор оралариға машина билан икки томонлама ишлов берилди.

Бу тадбир фақат пахтанинг ҳосилдорлигини оширибгина қолмай, шу билан бирга ҳосил единицасига меҳнат кунлари ва маблағ билан қилинадиган харажатларни анча камайтириш, меҳнат қимматини ошириш имконини ҳам берди. Агар колхозчиларнинг меҳнат кунларига 1955 йили 8 сўмдан пул ва 2 килограммдан дон тақсимланган бўлса ,ўтган йили 20 сўмдан пул, 3, 8 килограммдан дон тақсимлаб берилди.

Партия ташкилотининг ташкилий фаолияти йил бошида пахтанинг ҳосилдорлигини ошириш юзасидан тадбирлар белгилаш билангина чегараланиб қолмади. У, коммунистларнинг ишлаб чиқаришдаги авангардлик ролини ошириш, участкалар, бригадалар ва звенолар ўртасида социалистик мусобақани ташкил этиш масалалари билан кун сайин шуғулланиб борди. Коммунистлар пахтачиликни ривожлантириш ва ҳосилдорликни ошириш учун олиб борилган курашнинг олдинги сафларида бордилар. Ўртоқ С. Орипов полевод бўлган 2- участкада 381 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан, ўртоқ Р. Эгамбердиев полевод бўлган 1- участкада эса 365 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил олинди. Коммунистлардан П. Хўжаев, А. Субҳонов ва бошқа ўртоқлар бошлиқ бригада ва звеноларда эса ҳосил бундан ҳам мўл бўлди.

Коммунистлар фақат мўл ҳосил етиштиришни таъминлабгина қолмай, колхозчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни яхши йўлга қўйишда партия ташкилотига яқиндан ёрдам ҳам бердилар. Партия ташкилоти ҳисобидаги 45 коммунистнинг кўпчилиги далачилик бригадаларига, чорвачилик фермаларига агитатор қилиб биркитиб қўйилган. Уларнинг бир қисми партия бюроси ҳузурида ташкил қилинган сиёсий докладчилар группасининг ишида актив қатнашмоқдалар.

Сиёсий агитация ишлаб чиқариш вазифалари билан, кундалик ҳаёт билан маҳкам боғлаб олиб борилсагина унинг таъсири кучли бўлади, оммани сиёсий ва хўжалик вазифаларини бажариш учун курашга сафарбар этишдаги роли аҳамиятли бўлади. Бунинг учун агитатор ишлаб чиқаришнинг аҳволи билан яхши таниш бўлиши, унинг ижобий ва салбий томонларидан яхши хабардор бўлиши, ўз суҳбатини ҳаётдан олинган жонли мисоллар асосига қуриши лозим. Партия ташкилоти бунга алоҳида эътибор беради. Коммунистлардан З. Эргашев, Э. Донаев, С. Орипов ва бошқа ўртоқлар суҳбат давомида жонли мисоллар асосида колхоз ёки бригададаги ишнинг аҳволини ўз тингловчиларининг кўз ўнгида тўла гавдалантириш, ишдаги камчиликлар ва унинг сабабларини очаборлиб, уларнинг қалбига кириб бориш ҳамда навбатдаги вазифаларни аниқ кўрсатиб беришга ҳаракат қиладилар.

Ҳозир партия ташкилоти амалга ошираётган барча ташкилий ва сиёсий ишларнинг эътибор кўклам экиш кампаниясини тўла тайёрлик билан кутиб олишга қаратилган. Колхоз аъзолари бу йил ҳар гектардан камида 30 центнер ҳосил етиштириш ҳақида мажбурият олганлар. Кузда барча пахта ерлари шудгор қилиниб, ариқ-зовурлар тозалаб қўйилган, ҳайдаш олдидан 1100 гектар ерга минерал ва маҳаллий ўғит солинган эди. Куз-қиш давомида ернинг шўрини ювиш, ўғир тўплаш давом эттирилди ва бу ишлар ҳозир ҳам кенг миқёсда давом эттирилмоқда. Маҳаллий Советларга сайлов муносабати билан оммавий-сиёсий ишларни олиб борганда маҳаллий ўғитнинг ҳосилни оширишдаги роли барча бригада ва звеноларнинг аъзолари ўртасида кенг тушунтирилди. фермаларда ўғитни алоҳида жойга тўплаш ва уни сақлаш ташкил этилди.

Партия ташкилоти пахтачилик билан бир қаторда чорвачиликни ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини оширишга ҳам катта аҳамият бераётир. Эътироф этиш керакки, КПСС Марказий Комитетининг январь Пленумигача партия ташкилоти хўжаликнинг бу соҳасига иккинчи даражали иш деб қараб келди. Натижада хўжаликнинг бу муҳим соҳаси кам ривожланди, чорва молларидан кам маҳсулот олинди. Бунга мисол қилиб 1954 йили ҳар бир соғин сигирдан 234 литрдан сут олинганлигини кўрсатиш мумкин.

Кейинги икки йил ичида колхозимизда чорва молларининг туёғини ўстириш, чорва маҳсулотларининг миқдорини кўпайтириш соҳасида сезиларли натижага эришилди. Ўтган йили ҳар бир соғин сигирдан ўрта ҳисобда 873 литрдан сут соғиб олинди.

Ҳозир фермалардаги молларнинг умумий сони перспектив план бўйича 1960 йилга мўлжалланган миқдордан анча ошиб кетди. Вазифа — ҳар 100 гектар ер ҳисобига етиштириладиган чорва маҳсулотининг миқдорини ошириш ва перспектив план кўрсаткичларининг ошириб бажарилишини таъминлашдан иборат. Ўтган йили ҳар 100 гектар ҳайдаладиган ер ҳисобига 121 центнер сут, 13,9 центнер гўшт, шу жумладан 1,2 центнер чўчқа гўшти, 94 килограмм жун етиштирилди.

Чорвачиликда сезиларли даражада муваффақиятга эришишда партия ташкилоти чорвачилик фермаларини коммунист ва комсомоллар ҳисобига мустаҳкамлаш, фермаларда ишни тўғри ташкил этиш, чорвадорлар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш ҳамда уларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш юзасидан амалга оширган тадбирлар катта роль ўйнади. Илгари фермаларда бironта коммунист ва комсомол йўқ эди. Ҳозир бу ерда уч коммунист ва саккиз комсомол ишламоқда, партия группаси ташкил этилган. У, чорвадорлар ўртасида социалистик мусобақани йўлга қўйиш, оммавий-сиёсий ишларни олиб бориш, чорва молларини боқишни яхши уюштириш масалалари билан яқиндан шуғулланмоқда.

Аммо чорвачилик соҳасида эришилган муваффақиятлар бизни қаноатлантирмайди. Яқин 2-3 йил ичида етиштирилаётган чорвачилик маҳсулотларининг миқдорини камида икки баравар кўпайтиришга эришишимиз керак. Бунинг учун чорва молларининг боқувини яхши ташкил этиш билан бирга уларнинг наслини яхшилашга, чорвачиликнинг энг сердаромад ва тез ривожланадиган тури бўлган чўчқачиликни ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериш керак. Шу мақсадда ўтган йили 29 бош эстон зот ургочи чўчқа олиб келинди, чўчқачилик фермаси ташкил этилди. Ҳозир чўчқачилик фермасида 115 бош, шу жумладан 35 бош она чўчқа боқилаётир. Ўтган йили колхоз давлатга топширган гўштнинг 30 процентини чўчқа гўшти ташкил қилди. Биз бу миқдорни бундан сўнг янада ошириш ва келгуси йилдан бошлаб давлат гўшт мажбуриятини асосан чўчқа гўшти ҳисобига бажариш учун чўчқачиликни барча чоралар билан ривожлантирамиз. Яқинда Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қабул қилган қарорда ҳам чорвачиликни ривожлантириш билан бир қаторда чўчқачиликка алоҳида эътибор бериш талаб этилган. Биз чорвачиликка эътиборни янада кучайтириб, хўжалигимизнинг барча тармоқларини комплекс ривожлантиришга эришамиз.

Ш. ҲАТАМОВ,

Боёвут районидаги Молотов номли колхоз партия бюросининг секретари.

Ғанимат фурсатдан тўла ва унумли фойдаланиб ер ҳайдаш, далаларни экишга тайёрлашни тез, сифатли ўтказайлик!

☆ ☆ ☆ ☆

Ўртасарой районидаги Жданов номли колхоз чигит экишга пухта тайёрланмоқда

Бундан тўрт йил илгари Жданов номли колхоз қолоқ, кам ҳосилли колхозлар рўйхатида эди. Бундан колхозчилар ҳам, шу колхозда хизмат қиладиган механизаторлар ҳам ҳижолат эдилар. Нима учун шундай эди? Ахир қўшни колхозлар пахтадан бирмунча мўл ҳосил олаяптику! Қишлоқдаги каттадан-кичик ана шу жумбоқни ечиш ҳаракатига тушиб қолди. Кўпчиликнинг бу ҳаракатига колхозга ўша йили раис қилиб сайланган Ўртоқ И. О. Зокиров бош бўлди.

ЯНГИ МУВАФФАҚИЯТЛАР САРИ

1955 йил баҳорида, деҳқончилик ишлари бошланишидан олдин 1954 йилнинг якунлари кўздан кечириб чиқилди. Колхоз ҳосил етиштиришда ҳам, чорвачиликни ривожлантиришда ҳам жуда орқада эди. Энди ишни нимадан бошлаш керак? Янги раис пахтачиликни яхши билган бригада ва звено бошлиқлари, кексалар билан суҳбатлашди.

— Ҳосилни ошириш қийин, деган одам бекор айтибди, — деди шунда кимдир. — бу ерлар ёмон ерлар эмас, лекин ҳамма гап бу ерларни ишлата билишда...

— Сизнингча нима қилса бўлади? — раис сўради.

— Кўп гўнг солиш керак, иннай кейин шудгор...

Раис ўйланиб қолди. Бирор колхоз йўқки, унда гўнг бўлмаса, хўш, шундай экан, нима учун бу колхоз ерларига шу вақтгача жуда кам гўнг тушган. Колхознинг чорвоси оз бўлгани билан колхозчилар хонадонида қўй-сигир бор-ку. Янги раис суҳбат давомида бу ерда ҳали ишчоқоқлик, ҳамжиҳат бўлиб ишлаш ҳам яхши эмаслигини англади. Орадан 5-6 кун ўтгач, умумий мажлис чақириб, колхозчилар билан маслаҳатлашиб оладиган бўлди.

1954 йилда гектаридан 14 центнердан ҳосил етиштирган колхозда 20 центнердан пахта топширамиз деб айтилишига шундай қараганда ишониб бўлмайди. Бироқ колхоз раиси активлар, пахтакорлар, механизаторлар билан гаплашиб, бир йил ичида шу хилда мўл ҳосил етиштириш мумкин эканлигини, агар астойдил ишланса хўжаликни бир йил ичида мустаҳкамлаб олиш кўпчиликнинг қўлидан келиши мумкин эканлигини исботлаб берди.

Биринчи йилги иш яхши бошланди. Даставвал ер яхшилаб ўгитланди, пахтачиликни ривожлантиришда агротехника қоидаларига тўла амал қилинди. Натижа ёмон бўлмади. 1955 йилда гектаридан 20,5 центнердан, яъни 1954 йилдагига нисбатан ҳар гектарига 6,5 центнердан ошириб ҳосил етиштирилди. Дастлабки муваффақият бу ердагиларнинг ғайратига-ғайрат қўшди. Қишлоқ ҳамжиҳат, бирдамлик билан ишлай бошладилар. 1955 йилда жуда оз ерга квадрат-уялаб чигит экилган бўлса, бултур пахта майдонининг асосий қисмидаги ғўза икки томонлама ишланди. Ҳосил гектарига 5 центнердан оширилди.

— Бултурги ишларимиз тўғрисида гапирганда, — дейди раис, — шуни айтиш керакки, биз илгарилари ҳосилни кўпайтиришга зўр берар эканмиз-у, аммо пахтанинг таннархини камайтириш тўғрисида қам ўйлар эканмиз. Ҳисоблаб чиқдик. 1954 йилда бир центнер пахта учун 12 тадан меҳнат куни сарфлаган эканмиз, бултур эса 6 тадан меҳнат куни кетди, 60 минг меҳнат кунини тежаб қолибмиз. Бу қаёқдан келди? Ҳаммаси механизация туфайли. Чигитни квадрат-уялаб экиш қоидаси чиқди-ю, биздақа кам қувват колхозларнинг иши юришадиган бўлди. Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг, бир кишига 2,5-3 гектардан ерни ишлаш тўғри келган колхозда, меҳнат осон деб ўйлайсизми. Агар еримизни трактор ишлаб бермаса, кетмон билан манзилга ета олмас эдик.

Колхозда бултур механизация кучидан тўла ва унумли фойдаланилганлиги, ғўза квадрат-уялаб ўстирилганлиги ва терим даврида машиналар яхши ишлатилганлиги туфайли колхоз ҳосилдорлик жиҳатидан райондаги илғор колхозлар даражасига етиб олди, хўжалиги мустаҳкамланди. Ўтган йилги муваффақиятлари учун бригада ва звено бошлиқлари, активлардан бир неча киши СССР орден ва медаллари билан мукофотланди.

Фидокорона меҳнатга берилган юксак баҳо пахтакорларни, тракторчиларни янада зўр ғайрат билан ишлашга илҳомлантирди. Шу кунларда ҳар бир киши пахта ҳосилини янада ошириш, чорвачиликни ривожлантириш ҳисси билан тўлибтошган ҳолда меҳнат қилмоқда.

КВАДРАТ ҒОЛИБ ЧИКДИ

Яқинғинада чигитни квадрат-уялаб экишга қаршилик кўрсатувчилар тўғрисида ёзардик. Эндиликда янгилик ўзига кенг йўл топиб олди. Қишлоқдаги бирорта киши ҳам, квадрат ёмон экан, демайди. Нега? Шу усул туфайли жуда кўп колхоз ва совхозлар меҳнатни тежашга, ҳосилни оширишга муваффақ бўлди. Жданов номли колхоз аъзолари ҳам квадрат туфайли илғорлар қаторига етиб олдилар.

Яқинда колхоз правлениеси ва партия ташкилоти умумий йиғилиш ўтказиб, шу ерда колхозчилар билан маслаҳатлашиб олди. 540 гектар ернинг 380 гектарига 50х50, 100 гектарига 60х45 схемаси билан чигит экиладиган бўлди. Қолган 60 гектар ерга (бу ерлар нотекис бўлганлиги учун сим тортиб чигит экиш қийин) чигит тор қаторлаб экилади ва ғўза яганаси механизация асосида ўтказилиб, бу жойларда ҳам квадрат ҳосил қилинади. Демак, колхознинг барча пахта майдонидаги ғўза икки томонлама ишланади. Ўтган йили 105 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан пахта олган ва бу йил 35 центнердан ҳосил етиштириш учун курашаётган Хайдарҳўжа Маъруров бошлиқ бригада аъзолари асосий пахта майдонларига чигитни квадрат-уялаб экишга қарор қилдилар. Собир Мелиқўзиев бошлиқ бригада аъзолари ҳам ишни шу хилда олиб бориб, мўл ҳосил етиштириш учун барча тайёргарлик ишларини ўз вақтида сифатли бажармоқдалар.

Ғўзани квадрат-уялаб ўстириш, биринчидан, қўл меҳнатини кескин камайтирган бўлса, иккинчидан, механизациядан тўла ва унумли фойдаланиш имкониятини яратиб берди. Бу усулнинг афзалликларидан яна бири — оз меҳнат сарфлаб, ердан кўп унум олинаётганидадир. Янги, прогрессив усулнинг роят фойдали эканлигини амалда кўрган колхозчилар бу йил ҳам шу усулда ишлаб, ҳосилни ошириш учун курашмоқдалар. Чигит экиладиган барча ерлар кузда минерал ва маҳаллий ўгит солиниб шудгор қилиб қўйилган эди. Ҳозирги пайтда ана шу далалар борона қилинмоқда. Колхозчилар группаларга бўлиниб, карта уватларини суриб, ерга-ер қўшяптилар. Улар бир қарич ерни ҳам бекор қолдирмаслик, у жойда ғўза ўстириш ҳаракатидалар.

ЭКИПАЖ ЭКИШГА ТАЙЁР

Баҳор қуёши ҳаммаёқни яшнатиб турганда далага чиқдик. Янги усулда чигит экишни машқ қилаётган механизатор ва колхозчиларнинг ишини кузатдик. Бу ердаги ҳар бир кишининг ҳаракати чигит экиш давридагидек чаққон ва эпчил эди. Универсалчи Усмонқул Маматқулов, сеялкачи Ғани Жуманов контроль линиядан бурилиб, «универсал»ни тўғри олиб борардилар. Уларнинг чигит экишини пиксатор Ўрмон Жонтасев, станокчи Рўзимат Худойқулов, контролёр Рўзибой Зикриёевлар кузатиб турардилар. Улар уяга чигит қандай, қанчадан тушаётганлигини назардан ўтказгач, универсалчи ва сеялкачига ишни давом эттириш мумкинлигини айтди. Трактор кенг далани нариги томонига тез юриб кетди. Экипаж аъзолари квадратларнинг аниқ-ноаниқлигини билиш учун чигит тушган уяларга чўп тиқиб, аниқлаб кўрдилар.

— Жуда яхши тушипти, — деди кимдир. — Узунасига ҳам, кўндалангига ҳам ишласангиз бўлавераді...

— Ҳали шошмай туринг, бу синов, эрта-индин чинакамига экишга киришганимизда, квадратнинг аниқ бўлиши учун яна кўп нарсани ўрганишимиз керак.

Экипаж аъзолари квадратни аниқлагунларича, «универсал» даланинг у бошидан қайтиб, янги қаторларга чигит экишга киришди. Станокчилар С. Усмонбоев, Р. Маъмуров ўртоқлар станокни ён томонга, мўлжалдаги жойга тез ва чаққонлик билан кўчириб ўрнатдилар.

Квадрат-уялаб чигит экиш шу хилда давом этарди. Колхоз раиси И. О. Зокиров, бригада бошлиғи Э. Шерматов ўртоқлар экипаж аъзоларининг ишини синчиклаб текшириб чиққач, улар қаҳқатан ҳам квадрат-уялаб чигит экиш техникасини яхши эгаллаганликларига қаноат ҳосил қилдилар.

Колхозда 4 та экипаж ташкил қилинган. Уларнинг ҳаммаси ҳам назарий ва амалий жиҳатдан яхши тайёргарликдан ўтдилар. Ҳар бир киши чигит экиш даврида шошиб, адашиб қолмаслик учун ўз ишини пухта ўрганмоқда.

ИЛҲОМБАХШ КУЧ

КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь байрамининг 40 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш тўғрисидаги қарорини колхозчилар, механизаторлар ўқиб чиққач, шонли кун шарафига муносиб совға тайёрлаш учун зиммаларига конкрет мажбурият олдилар. Улар 540 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан — ўтган йилдагига нисбатан гектарига 4,5 центнердан ошириб ҳосил олиш учун курашмоқдалар. Меҳнатнинг роҳатини кўриш, маданий ва фаровон турмуш кечириш, кишиларни қадрлаш учун кенг йўл очиб берган Улуғ Октябрнинг 40 йиллигига муносиб совға тайёрлаш колхозчи ва механизаторнинг, чорвадор ва боғбоннинг чин максади!

Жданов номли колхоз аъзолари ҳар бир қарич ердан унум олиш, пайкалда мўлжалдаги ғўза туплари бўлишига эришиш, ишни асосан механизация ёрдамида бажариш, шу йўл билан хўжаликни ҳар тарафлама ривожлантириш учун шу кунларда фидокорлик билан меҳнат қилмоқдалар, мўл ҳосил гарови бўлган кўклам экишига пухта тайёрланаётирлар.

С. МАҲКАМОВ.

Суратда: Колхоз раиси И. О. Зокиров (ўнгда) ва бригада бошлиғи Э. Шерматов ўртоқлар квадратлар қай аҳволда чиққанлигини текшириб кўрмоқдалар.

В. Салов фотоси.

☆ ☆ ☆ ☆

Ўрта Чирчиқда мўл ҳосил учун мустаҳкам замин тайёрланмаётир

Ўрта Чирчиқ районидаги колхозларда кўклам экиш кампаниясига тайёргарлик қай аҳволда эканлиги билан танишдик.

Текширишда райондаги бир қанча колхозларда кўклам экишига тайёргарлик қониқарсиз аҳволдалиги аниқланди.

Энгельс номли колхозда бўлганимизда ҳайдов тракторларининг алдақачон ремонтдан чиқарилиб қўйилганлигини, аммо ишлатилмаётганлигини кўриб ажабландик. Колхоз раҳбарлари «ҳали вақт эрта, улгирамиз» деб хотиржам юрибдилар. Бунинг устига колхозда суғориш шохобчаларини тартибга солиш, маҳаллий ўгит жамғариш ишлари ҳам талабга мутлақо жавоб бермайди. Колхозда гўнг тўплаш, уни даладаги махсус чуқурларга ташиб чиқариш, ариқларни тозалашга зарур миқдорда куч ажратилмаётир. Шунинг учун ҳам 2 минг кубометрга яқин ариқ-зовур ҳалигача тозаланмаган, пландаги 5 минг тонна ўрнига 1300 тонна гўнг жамғарилган, холос.

Колхоз раиси Ўртоқ А. Тен қишлоқ территориясида ариқлар кўп, кўприклар бузуқ, шунинг учун тракторлар бир картадан иккинчи картага ўта олмай, иш унуми пасайиб кетаётганлиги тўғрисида зорланиб сўзлайди.

Ахир кўприкларни ким тузатади, зарур бўлмаган ариқларни ким текислайди, бу ишларни колхоз қилмаса, ким қилади. Бу ишларни бажариш учун колхозда ёғоч, тахта, қамиш етарли; ҳамма гап шундаки, колхоз раҳбарлари шу имкониятлардан фойдаланиб, кўприкларни дарҳол тузатиш ўрнига баҳона, важ ахтариб, экишга тайёрланишда суст-кашликка йўл қўяётганликларини сезмаётирлар.

Бу йил колхозда 250 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экилиши керак. Бунинг учун 56 киши ажратилган. Афсуски, бу кишилар ҳалигача бирон марта амалий машғулотда бўлган эмаслар. Аҳвол шундай ачинарли бўлишига қарамай, колхоз раиси:

— Лекция вақтида экипаж аъзолари «тушундик, ўрганиб қолдик» деган эдилар. Биз ҳам уларнинг гапига ишонибмиз. Мана, кеча далада амалий машғулот ўтказганимизда бирор киши ҳам ўз вазифасини кўнгилдагидек бажара олмади, — дейди

Экипаж аъзолари квадрат-уялаб чигит экиш йўлларини шу кунларда билиб олмасалар, қачон ўрганадилар?

Райондаги Максим Горький номли колхозда бошқача манзарани кўрдик. Бу ерда ҳайдов тракторлари жуда унумсиз ишлаётир. Механизаторларга қулай иш шароити яратиб берилмаган, талабчанлик бўшаштириб юборилган. Шу сабабли 470 гектар пахта майдони ҳалигача ҳайдалмаган. Колхозда меҳнат тўғри уюштирилмаганлиги, интизом бўшашиб кетганлиги сабабли 2 минг кубометрга яқин ариқ-зовур тозаланмаган. Пландаги 8500 тонна ўрнига фақат 3000 тонна маҳаллий ўгит жамғарилган. Худди шундай камчиликлар Калинин номли колхозда ҳам содир бўлмоқда. Бу колхозда ишга яроқли кишиларнинг кўпчилиги далага чиқмайди, айрим колхозчилар белгиланган нормаларини бажармайдилар. Бу колхознинг Т. Худабоев, Қ. Тешабоев ўртоқлар бошлиқ бригадаларида гўнг ва бошқа маҳаллий ўгит тўплашга етарли эътибор берилмаётир. Бу фактларнинг ўзи колхозда кўклам экиш кампаниясига тайёргарликнинг қониқарсиз аҳволда эканлигини кўрсатмайдими?!

ниқарсиз аҳволда. Максим Горький номли колхозда 20 та, Каганович номли колхозда 13 та бричка-арава бузуқ, 2-МТС зонасидаги Ильич номли колхозда 30 та, Маленков номли колхозда 40 га яқин борона ишга яроқсиз.

Давлат томонидан берилган минерал ўгит ва уруглик чигитни ташиб олишга хафсаласизлик билан қаралаётганига нима дейиш мумкин?! Максим Горький номли колхозда шу кунгача 300 тонна, Ворошилов номли колхозда 200 тонна минерал ўгит ташиб олинмаган. Каганович номли колхозда 25 тонна, Ленин номли колхозда 72 тонна уруглик чигит ҳалигача колхозга келтирилган эмас.

Район партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари МТС директорларига нисбатан талабчанликни оширишлари, шу кунгача ҳайдалмаган 4130 гектар ернинг тез ва сифатли ҳайдалишини таъминлаш тадбирларини кўришлари керак. Шунда чигит экиш қисқа муддатда ўтказилади ва районда мўл ҳосил етиштиришга мустаҳкам замин ҳозирланган бўлади. Бу тадбирлар тўла амалга оширилганда Ўрта Чирчиқ райони қолоқликдан чиқиб, илғариги шуҳратини яна тиклаб олади.

Китобдан ўқишиб квадратни — Сўзма-сўз амаллаб ёдлаб олишди. Далага чиққанда не иш қиларин— Билмайин бошларин қашиб қолишди.

М. Воробейчиков чизган расм.

Район колхозларида барча имкониятлардан, техникадан мутлақо унумсиз фойдаланилаётганлиги сабабли ҳар иккала МТС зонасида 20 минг кубометрдан ортиқ колхозлараро суғориш шохобчалари ҳалигача тозаланмаган.

Районда гўнг ва бошқа маҳаллий ўгит тўплашга ҳам етарли эътибор берилмаётир.

Вақт ўтиб кетаётганига қарамай, районда қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналарини ремонт қилиш ҳам қолоқ.

У. ЖОНГИТОВ,
Т. ЙЎЛДОШЕВ,

«Тошкент ҳақиқати» ва «Мўл ҳосил учун кураш» газеталарининг рейд бригадаси.

Гектаридан 45 центнердан ҳосил олиш учун курашамиз

КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллигини байрам қилишга тайёрлик тўғрисида» деб чиқарган қарори бригадамиз аъзоларини руҳлантириб юборди. Биз улуғ байрамни муносиб совғалар билан кутиб олиш учун кўклам экиш кампаниясига тайёргарликни янада қизитиб юбордик.

Ўтган йили биз квадрат-уялаб чигит экилган майдоннинг ҳар гектаридан давлатга 35 центнердан ҳосил топширган эдик. Биз бу йил ўтган йилги муваффақиятларни мустаҳкамлаб, 45 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан камида 45 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олдик. Бу йил ҳам чигитни барча майдонларга квадрат-уялаб экамиз.

Бригадамизнинг пахта майдони тўла ҳайдаб қўйилган. Ариқ-зовурларни тозалаш ишларини ҳам барвақт тугалладик. Далага 429 тонна маҳаллий ўгит ташиб чиқарилиб, махсус чуқурларга кўмиб қўйилди.

Биз улуғ Октябрь революциясининг 40 йиллиги кунини ўз зиммамизга олган социалистик мажбуриятимизни шараф билан бажариш билан кутиб оламиз.

М. СОАТОВА,
Октябрь районидаги Сталин номли колхознинг бригада бошлиғи.

СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНЛАРИ

Новатор деҳқон

(ОЧЕРК)

I.

— Зап унумдор ерларимиз бор, — дерди илгари пискентлик деҳқонлар, — қани энди глёй унмай ётган чўл бағрига шарқираган сувни буриб юборсак-у, ана шу ерларни инсонга бўйсундириб, мўл ҳосил ундирсак!

Чиндан ҳам бир неча йиллар аввал деҳқонлар сув деганда томоғи тақиллар, унумдор ерлар ҳосил бермас, неча минг гектарлаб ерда янтоқ қўкарарди, холос. Бежилов Оҳангарон дарёсининг тошқини ҳаммани безовта қилар, бу шўх дарёнинг айқириб оққан суви эса беҳуда кетарди.

Партия ва ҳукуматимизнинг азми билан деҳқонлар орзуси рўёбга чиқадиган — сув муаммоси ҳал қилинадиган бўлди. Канал трассаси аниқланди. Бу хушхабар кўплар қаторі гултепалик мироб Қодир аканинг ўғли Ҳакимни ҳам беҳад қуворитирди. Унинг қалбида умумхалқ курашига муносиб ҳисса қўйиш, қурилишга актив иштирок этиш туйғуси барқ урди.

Бир куни кечки пайт Ҳаким Қодиров уйидан чиқди-да, правление томон йўл олди. У етиб келганда раснинг кабинетида милтиллаб чироқ ёнарди. Ҳаким полвон рухсат сўраб ичкари кирди. Қўлидаги буклаган бир парча қоғозни раисга узатди. Раис қоғозга кўз югуртирида, бир зум жим қолди, сўнг Ҳакимга савол назари билан тикилди.

— Халқ қурилишига боришни истабсан, яхши, — деди раис, — аризангни қолдир, правлениеда кўриб ҳал қиламиз.

Ҳаким Қодиров раснинг шу онда «хўп» дея қолмаганидан ранжиди. Гўё раис «йўқ, сени бу ишга юбора олмаймиз» деяётгандек бўлди. Бир икки кун кўнгли ғаш бўлиб ҳам юрди. Орадан кўп ўтмай, правление ва бошланғич партия ташкилоти Ҳаким Қодировни халқ қурилишига юборишга қарор қилди.

Ҳаким Қодиров мажлисдан чиққанда кўкда юлдузлар чамани чарақлаган, ой тиккага келиб, ўз ёғдуси билан кенг далаларни нурга белаганди...

Ҳаким полвон ёстиққа бош қўйган бўлса ҳам севинчидан уйқуси келмас, тонг отишини сабрсизлик билан кутар, ҳозироқ канал трассасига жўнаб кетгуси келарди.

1939 йилнинг феврали. Қирлар, сойларда ҳаёт қизғин. Областнинг неча минглаб колхозчилари трассага чиққан. Уша вақтда Тельман номли колхознинг аъзолари каналнинг энг муҳим ва оғир участкасида — Оҳангарон сойига қуриладиган дюкерга юборилди. Оҳангарон дарёси тошмасдан ер қазиш ишлари тугалланиши, бетон ётқизилиб бўлиши керак эди. Иш шароити оғир, Ҳаким Қодиров бу ерда қўлига метин олиб, шағал қазиди, қопда, яшикда шағал ташиди, бел билан тупроқни узоққа ирғитди.

Оқшом. Шивалаб ёққан баҳор ёмғири тинди. Кўкатлардаги ёмғир доналари марварид резаларидан ялтираб кўринмоқда. Қир бағрида ўтлаб юрган қўйлар ғира-шира кўзга ташланади. Қўзиларнинг маграши кишига ёқимли туюлади. Сой ичидаги палаткаларда эса куни бўйи ишлаб чарчаган қурувчилар тинч ором олмоқда...

Ҳаким Қодиров бугун одатдагидан эртароқ уйғонди. Ҳамроҳларига сездирмай ўрнидан турди-да, коржомани елкасига ташлаб палаткадан чиқди. Сой бўйлаб узоқларга тикилди. Унга қақраган чўллар «қани сув» деяётгандек туюлди.

Эшбой ака Зокиров нарироқда Ҳаким полвоннинг ҳозирги ҳолатини кузатарди. Ҳаёлга чўмган ёш қурувчи Эшбой аканинг келганини ҳам сезмай қолди.

— Ҳа, Ҳакимбой, жуда эрта турибсиз, ҳали вақт борку! — сўради у.

— Вақтнинг эрталигини билиб турибман. Лекин ҳозир вақт билан ҳисоблашадиган пайт эмас, Эшбой ака. Ишнинг уддасидан чиқиб, халқ ишончини оқлашимиз, даштларни сувга сероб қилишимиз керак, — Ҳаким полвон ишонч билан деди. У иш бошлаб, қўлидаги метинини шағал устига қўяр экан, колхоз правлениесида бўлган гаплар ҳамон қулоғи остида жаранглаб эшитилардi: «Аризангни кўриб ҳал қилдик. Канал қазишга юборамиз. Халқ қурилишида ишлайсан. Юзимизни ерга қаратма. Ҳа, колхозимиз учун ўзингни кўрсат».

— Албатта, ерга қаратмайман, — деди Ҳаким, — колхозим ишимдан рози бўлсин. Бу — менинг бурчим.

Ҳаким Қодиров каналда ўзини кўрсатди. Кўп кубометрчилар ҳаракатининг ташаббускори бўлди. Унинг иш методи халқ қурилишида чиқарилган кўптиражли газета саҳифаларидан тушмади. У дастлабки кунларда 5-10, кейинчалик эса 15-20 кубометрлаб тупроқ ва шағал қазиди. Унинг шуҳрати ошди, тажрибаси оммалашди. Трассада Ҳаким полвон Қодировнинг юзлаб ботир дўстлари етишди.

Канал муддатидан илгари қазиб бўлинди. Дюккер ҳам битказилди. Шарқираб оққан зилол сув Пискентнинг чанқоқ ерларига борди, ернинг унумдорлиги ошди. Неча минг гектарлаб дашт инсонга бўйсунди, янтоқзорлар экин майдонига айланди. Колхозчилар сувга сероб бўлган ерлардан истаганча ҳосил оладиган бўлиб қолдилар. Сув тўғрисида гап боргудай бўлса, пискентликлар ҳали-ҳали Ҳаким полвон Қодировни ҳурмат билан эслайдилар, «барака топкур» деб мақтайдилар.

II.

1956 йил. Июль ойининг сўнгги кунлари. Баланд кўтариб қурилган бригада шийпони узоқдан кўзга ташланади. Шийпон гавжум.

— Ўртоқлар, — деб сўз бошлади бригадир. Даврадаги гурунг, гапсўз тўхтади. Ҳамма норғул, қоратўридан келган Ҳаким полвон Қодировга қаради.

— Пахтанинг кўпи, умри бор, ҳар бир ишни муддатида бажаришимиз керак. Ота-боболаримиз «темирни қизиғида бос» деганлар. Бугунги ишни эртага қолдириб бўлмайди. Кўп ҳосил олиш сиз билан бизга боғлиқ. Ғўзаларимиз етилиб, ҳосилга кириб қолди, — Ҳаким полвон бригада аъзоларига галдаги вазифаларни тушунтирарди.

Бригадир шийпон атрофида барқ уриб турган ғўзаларга — яшил денгизга назар ташлади. Енгил эсаётган шабада кўмкўк ғўзаларни чайқатар, далага алоҳида ҳуси, файз бахш этарди.

—Гаримсел ўтадиган кунлар ҳам яқинлашиб қолди, — сўзида давом этди атрофдан кўзини олиб Ҳаким полвон. — Ҳушёр бўлиш керак. Ҳанча нарса тахт бўлиб туриши лозим. Меҳнатимиз зойи кетмасин.

Бригадир кимнинг қаерда бўлиши, қандай вазифани бажариши кераклигини бирма-бир тушунтирди.

Шундан кейин бригада аъзолари тарқалишди Кетмончилар чопиққа тушдилар . Сувчилар сув тарашга кетишди. Шийпонда ёш чақалоқлар, беланчаклар ёнида алла айтаётган тарбиячиларгина қолди. Далада жўшқин меҳнат нафаси кеза бошлади. Ёшларнинг шўх яллалари янгради...

— Пахтадан юқори ҳосил оламан десанг, — деб ҳикоя қилади Ҳаким Қодиров, — вақтнинг қадрига етишга ҳаракат қил! Муддатни қўлдан бой бериб қўйма, шунда ютасан! Бригада ер шароитини яхши билиши, вақтида экиб, парвариш қилиши керак. Чигитни вақтида эксанг-у, яганани кечиктирсанг, ҳосилдан ютказасан. Чопиқ, культивация ўз вақтида бўлмаса, ғўза ҳаводан фойдалана олмайди Кўчатга аҳамият бериш, сувга олдириб қўймаслик керак. Ҳосил кўчатдан, гўнгдан олинади. Бир арава гўнг беш арава ҳосил деган гап. Ана шунга эътибор беришимиз керак. — Ўзининг кўп йиллик тажрибасини кўз олдига келтириб, Ҳаким полвон Қодиров юракдан гапирарди. Ахир у 13 йилдан бўён бригада бошлиғи бўлиб ишлаб келмоқда. Ҳар йили пахтадан юқори ҳосил етиштирмоқда. Эл-юртга шуҳрати кетган. Ўз бригада аъзолари билан тўқайнинг захини қуритиб, пахтазорга айлантирган. Бригаданинг даласи 21 гектардан 110 гектарга етди. Агротехниканинг илғор усуллари, пахтачиликдаги янгилик дадиллик билан қўлланган. Ана шунинг учун ҳам у бригадирлик даврида гектаридан олинган ҳосилни 30 центнердан камайтиргани йўқ. Унинг бригадаси ўтган йили 41,5 центнердан пахта етиштирди . Усмон Саидвалиев звеноси гектаридан 40 центнердан. Мамадали Канаев 38,5, Ҳаким Йўлдошев 42, Раҳмон Ашуров 39,5, Абдулла Бердиев 39 центнердан пахта териб олди.

Ҳаким Қодиров бир қисм тупроқни кафтига олиб, уни эзиб кўрар экан, улуғ Ватан урушидан илгариги бир воқиани эслади.

— Звеноларимиз ўттиз саккиз, қирқ икки центнердан ҳосил топширибди, — Ҳаким Қодиров ёнидагиларга назар ташлади.— Фронтга кетмасимдан илгари звено бошлиги бўлиб, 70 центнердан пахта топширган эдим. Фронтдан қайтсам, ўша ернинг ҳар гектаридан 6 центнердан пахта топширишипти, бу кимни ажаблантирмайди!

Айб ерда ҳам , одамларда ҳам эмас. Гап ишнинг кўзини билмасликда. Ҳаким Қодиров ўз звеноларини камситмайди. Аксинча, қўлидан келганича ёрдам беради. Ернинг шароитига қараб ҳосилни белгилайди. Шунинг учун ҳам бригада кўп вақт ўтмай, ўзини ўнглаб олди. Ҳосилни йилдан-йил ошириб, катта ҳурматга эришдилар.

Ҳаким полвон — пахтанинг тилини биладиган миришкор деҳқон. Унинг пахтачилик соҳасидаги меҳнати Партия ва Ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. СССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан Ҳаким Қодировга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган олий унвон берилди.

Новатор деҳқон Ҳаким полвон энди қирқ эмас, эллик центнер учун курашга бел боғлади. Қўйди Аҳмедова, Ҳалима Ҳакимова, Инобат Ҳолтўраева, Қўчқорбой Пўлатов, Акбар Душаев, тракторчи Йўлдош Нишонов, Маҳкам Ҳолиқов каби меҳнатсевар бригада аъзоларининг аҳди шу.

Колхоз ерларининг икки томони тепаликдан иборат. Пириклашган колхоз хўжалиги йилдан-йилга ривожланмоқда. Ўтган йил ҳосил ҳар гектарига 5,3 центнердан кўпайтирилди, 1000 гектар майдоннинг ҳар гектаридан давлатга 23,4 центнердан пахта топширилди. Колхознинг даромади 2-3 ҳисса ортди.

Шу кунларда колхозда кўклам тараддуди қизғин давом этмоқда. Азамат йигит ва қизлар мўл ҳосил учун пухта замин ҳозирламоқдалар. Ариқ ва зовурлар тозаланди. Аравалар карвони пахта далаларига маҳаллий ўгит ташимоқда.

— Ҳасис дарё энди бутунлай жиловланади, — дейди қаҳрамон Ҳаким полвон Қодиров қувончга тўлган қолда. — Туябўғизда экскаваторлар хартумини тўлдириб тупроқ қазимоқда. Оҳангарон сойида денгиз пайдо бўлади. Ерларимиз сувга яна сераб бўлиб, Оҳангарон суви инсонга абадий хизмат қилади. Далаларимиз гуллаб-яшнайди. Ҳосил тагин мўл бўлади. Биз жонажон Ватанимизга истаганча ҳосил етказиб берамиз. Янги ерларни ўзлаштириб, боғи-бўстон барпо қиламиз.

Бу, фақат Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳаким Қодировнинг фикри эмас, пискентлик деҳқонларнинг чин юракдан айтган сўзлари. Улар партиямиз ва ҳукуматимиз бераётган ёрдамларга жавобан катта майдонларда «ок олтин» ҳосилини ошириш ва районнинг аввалги шуҳратини абадий тиклаш учун астойдил курашмоқдалар.

Ш. КУЗАНБОЕВ,
Калинин номли колхоз.

РЕДАКЦИЯ ПОЧТАСИДАН

ПОЙМА-ПОЙ РАЗМЕР...

Шу йил 8 март куни «Ташглавунивермаг»нинг эркаклар пойафзали бўлимига 200 пар таги чарм, ёзлик шиппак келтирилди. Шунда:

— Спортчилар хурсанд бўлмаси керак, — деган эди ғурурланиб, универмаг товаровед-бракери бўлим ходимларига.

— Сўраб келувчилар кўп эди, бизнинг ҳам юзимиз ёруғ бўлади, — деди ходимлардан бири. Хуллас, харидорлар талабига мос товар келганидан ҳамма хурсанд эди.

Кетма-кет чек ёзилиб, шиппаклар сотила бошлади. Баланд бўйли, қотмадан келган бир йигит бўлим ходими Т. Полубаркиндан:

— Қирқинчи размери борми? — деб сўради. Бу харидор Ульяновск шаҳридан Тошкентдаги техника мактабига ўқишга келган В. Коливанов эди.

— Бор, ёзиб берайми? — деди бўлим ходими.

Коливанов пул тўланган чекни Полубаркинга берди. Ходим ҳаққонлик билан шиппакни қоғозга ўраётган эди:

— Қани ўзини бир кўрайчи? — деб қолди харидор.

Коливанов шиппакни қўлига олиб, ҳайрон бўлди. Бир-бирига чандиб бойлаб қўйилган пойафзалнинг чап пойи қирқинчи, ўнг пойи қирқ иккинчи размерли эди.

— Бу пойма-пой экан, бошқасини беринг.

Иккинчи, учинчи, тўрттинчи парлар кўрсатилди, улар ҳам шунақа: 40-41, 40-42, 40-41. Ана юз ёруғ бўлиш-у. Ўртоқ Полубаркин харидор олдида қаттиқ ҳижолат бўлди. У складдан бир қучоқ шиппакни олиб чиқиб, қирқинчи размерини қидира кетди. Ниҳоят, топган эди ҳамки, аталадан суяк чиқди деганларидек, икки шиппакнинг бири оқ, иккинчиси қизил астарли чиқиб қолди. Харидор ночор шиппакни олиб кетди.

Ҳурматли газетхон, бу ҳижолатбозликнинг сабабини билишга қизиқарсиз. Бу универмагнинг пойафзаллар бўйича товаровед-бракери С. Манжосовнинг шиппакларни корхонадан қабул қилиб олиш ва бўлимга топшириш даврида ўз вазифасига «масъулият» билан қараб, «оперативлик» қилганлиги туфайли қўлга киритилган «ютуқдир». Бу ўринда шиппакни ишлаб чиқарган «Облместпром»га қарашли кўн-пойафзал фабрикаси ОТК бўлимининг бошлиғи П. М. Ковтуннинг «самарали хизматларини» ҳам сира камситмай қайд қилиб ўтиш керак.

Т. НАЖМИДДИНОВ.

Кўчма виставка

Ўзбекистон Давлат санъат музейи Мирзачўл районида кўчма виставка ташкил қилди. Виставкада бирқанча портретлар — Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, бўз за қўриқ ерларни ўзлаштираётган комсомолларнинг портретлари, кўклам манзараларини ифодаловчи расмлар бор.

Отоқли рассом Ў. Тансиқбоев ишлаган «Иссиқ кўл», «Тахиа-Тош», рассом З. Иноғамов чизган «Беда ўрими», С. П. Сахарцев яратган «Қўриқ» номли асарлар жуда жонли ва мазмунли чиққан.

Виставка район меҳнаткашларида катта таассурот қолдирмоқда.

Т. ҚОЗОҚБОЕВ.

Баҳор келиши билан Тошкент районидаги 2-ўрта мактабнинг ёш мичуринчилари ҳам ҳаракатга тушиб қолдилар: улар тажриба участкасини турли мевали ва соя берувчи дарахт кўчатлари, хилма-хил гуллар билан бойитмоқдалар, экин экиладиган участкаларга ишлов бермоқдалар. Мактаб боғидаги 800 туп олма, ўрик, олча, гилос, нок, тут дарахтлари яхши парвариш туфайли гуркираб ўсмоқда. Бу ишларга мактабнинг ёш, аммо ғайратли биология ўқитувчиси Хамидулла Абдуллаев раҳбарлик қилмоқда. СУРАТДА: ёш мичуринчилардан Қутби Зоирова ва Бўри Зоидов (6 «б» синф) ўқитувчи Х. Абдуллаев раҳбарлигида кўчат ўтқазмоқдалар.

Текст ва фото Э. Кодировники.

Кўчат ўтқазмоқдалар

Мирзачўл районидаги «Коммуна» колхозида тузилган махсус дарахт кўчатлари ўтқазиш бригадаси кўчаларнинг четларига, дала шийпонлари атрофига 3500 туп мевали ва соя берувчи, манзарали дарахт кўчатлари ўтқазди. Райондаги Фрунзе номли 13-мактаб ўқувчилари ҳам кўчат ўтқазиш ишларини қизитиб юбордилар. Улар биология ўқитувчиси ўртоқ Ў. Зокиров раҳбарлигида мўлжалланган 1000 тупга яқин кўчатни барвақт экиб бўлиш учун курашмоқдалар. Бу ишда ўқувчилардан Т. Жўраев, Р. Худойбердиев, Р. Ҳақбердиев, Қ. Тожибоев бошқаларга намуна бўлаётирлар.

О. Отажонов, Ҳ. Халилов.

* * *

Бекободдаги колхоз ва совхозларда соя-салқин мевазор боғлар барпо қилинмоқда. «Қизил пахтакор» колхозида ташкил қилинаётган янги боғга 1400 туп ўрик, 500 туп ёнғоқ, 340 туп шафтоли ва 150 туп нок кўчатлари ўтқазилди. Молотов номли, Дзержинский номли ва Маленков номли колхозларнинг боғларига ҳам 3-4 минг тупдан мевали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Райондаги Ломоносов номли, Навоий номли, Пушкин номли мактабларнинг пионер ва ўқувчилари ҳам ўз боғларини обод қилмоқдалар.

З. Эҳсонов.

* * *

Верхне-волинск районидаги Маленков номли 11-ўрта мактаб ўқувчилари мактаб атрофини боғ қилиш ва кўкаламзорлаштириш ишларида актив қатнашмоқдалар. Ҳозиргача мактаб атрофига 1000 тупга яқин олма, ўрик, гилос ва акация кўчатлари ўтқазилди. Бундан ташқари, Мичурин участкасига турли қишлоқ хўжалик экинлари экиш учун тайёргарлик кўрилянти. Бу ишларга биология ўқитувчиси ўртоқ А. Мелиев раҳбарлик қилаётир.

А. Кўчаров.

* * *

Тошкент давлат педагогика институти олдида 2 гектарга яқин ерда сквер барпо этилиб, обод сайр-боғга айлантирилмоқда. Бу ерда доира шаклида қилинган йўллар асфальтланиб, четларига гуллар ўтқазилмоқда, фонтан ҳам яқинда битказилади. Қурилаётган иккита ҳовуз битказилиб сементланди. Бундан ташқари, ўртоқ Г. Игнатуллин бошлиқ 8 кишидан иборат бригада сквернга 40 туп олма, 280 туп мевали ва соя берувчи дарахт кўчатлари ўтқазди. Кўчатлар яхшилаб парвариш қилинмоқда.

М. Кўчқоров.

БОСИЛМАГАН ХАБАРЛАР ИЗИДАН

Болалар хўрланмасин

Янгийўл район, Воровшилов номли колхоз аъзоси Фотима Мамадалиева редакцияга ёзган хатида эри Турсунали-дан шикоят қилган эди. Аввалари турмушимиз дуруст бўлди, ўн йил ўтмай, тўрт боланинг ота-онаси бўлдик. Кейинроқ унинг муомаласи ўзгарди, уйга ичиб келадиган, сабабсиз ҳақорат қиладиган, ҳатто урадиган бўлди. Болалар ҳурмати учун ҳамма қийинчиликларни ўз устимга олиб келдим. Кўзлаган мақсад чиқмади шекилли, иш жойини тез-тез ўзгартирадиган бўлиб қолди. Янгийўлда 2-3 идорада ишлади, Мирзачўлдаги совхозда бўлди, яна қайтиб келди. Хуллас уйга келмай, болаларга мутлақо қарамай қўйди.

Колхозда «Турсунали тўрт боласини ташлаб, Зина Дориевага уйланибди» деган овозалар тарқалди. Мен қишлоқ советининг раиси ўртоқ Хўжаберганова аҳволимни айтиб, ёрдам беришни сўрадим. Лекин ёрдам бўлмади. Редакцияга мурожаат қилишга мажбур бўлдим, дейди ўртоқ Мамадалиева Фотима.

Редакция текшириш ва чора кўриш учун хатни Янгийўл район прокурорига юборди.

Прокурор ўртоқ Холмирзаевнинг редакцияга хабар қилишича, комсомол аъзоси, шофер Турсунали Мамадалиевнинг иши Янгийўл район 1- участка халқ судига ҳавола қилинган.

Машҳур киноартист Михаил Кузнецов Тошкентда

Кўпгина кинофильмларда бош ролларни ижро этиб, совет ва чет эл томошабинларининг ҳурматига сазовор бўлган машҳур киноактёр Михаил Кузнецов пойтахтимизга келди ва зўр муваффақият билан ўз гастролларини бошлади.

Моҳир санъаткор яқинда Тошкент Округ офицерлар уйида концерт берди. Томошабинлар томонидан катта олқишлар билан кутиб олинган талантли артист «Қиммат баҳо совға», «Марининг тақдири», «Матрос Чижик», «Машенька», «Кема капитани», «Тарас Шевченко», «Бедарак кетган» ва бошқа ўзи иштирок этган фильмлардан монологлар айтиб берди.

Михаил Кузнецов яратган образларнинг барчаси ижобийдир. Лекин улар характер эътибори билан бир-бирларидан бутунлай фарқ қилади. Артист даҳшатли крепостной зулми ҳукм сурган даврнинг кишиси образини ҳам, социалистик замонамиз кишилари образини ҳам гоят усталик билан ярата олган.

Совет киносининг кўзга кўринган санъаткори Михаил Кузнецов Янгийўл шаҳар меҳнаткашларига ҳам концерт қўйиб берди.

Михаил Кузнецов 20 мартдан бошлаб Свердлов номли концерт залида ўз санъатини намойиш қилабошлади. Эстрада артистларидан А. Луконина ва Ю. Определенов ҳам у билан бирга гастроль бермоқдалар.

А. АБДУАЗИМОВ.

Спорт хроникаси

Хотин-қизлар ўртасида шахмат бўйича «Буревестник» спорт жамияти биринчилиги учун ўтказилаётган республика мусобақаси тамом бўлди. Мусобақада 13 имкониятдан 10,5 очкога эга бўлган биринчи разрядли шахматчи Л. Дмитрук биринчи ўринни эгаллади ва унга чемпион номи берилди. Иккинчи ўрин 10 очко олган Э. Ильязовага берилди.

* * *

Тошкентдаги Округ офицерлар уйида юз катакли шашка бўйича шаҳар биринчилиги учун ўтказилган мусобақа 11 кун давом этди. Унда шаҳарнинг энг яхши шашкачиларидан 12 киши иштирок этди. Мусобақада Сергей Давидов (СазПИ студенти) ва Станислав Гуляев (Низомий номидаги Тошкент педагогика институтининг студенти) ўртоқлар голиб чиқдилар.

Турнир голиблари шаҳар физкультура ва спорт комитетининг диплом ҳамда призлари билан мукофотландилар.

Гулчилик базасида

Тошкент гулчилик базасининг коллективи шаҳардаги боғ, бульвар, аллея ва хонадонларни хушбўй гуллар билан кўплаб таъминлаш мақсадида баҳорги тайёргарлик ишларини қизитиб юборди.

Базанинг 1 ва Қорасув районидаги 4 ҳамда шаҳарнинг Куйбишев районидаги 3-Ялангоч участкаларида декоратив дарахтлар, гилам гуллар ва бошқа турли хил баҳорги ва ёзги гуллардан бир ярим миллиондан ортиқ тупи етиштирилди.

Ҳозир базада баҳорги ва ёзги гулларни расадка қилиш ишлари олиб борилмоқда.

В. АБДУСАМАТОВ.

ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

БЕРЛИН, 22 март (ТАСС). Германия Демократик Республикасининг бош министри ҳузуридаги матбуот идораси Германия Демократик Республикаси Министрлар Советининг кеча бўлиб ўтган мажлиси тўғрисида ахборот эълон қилди. Мажлисда республиканинг социалистик корхоналари ўртасидаги шартнома муносабатлари тўғрисида қонун проектининг асосий қоидалари ҳамда республикада кўмир чиқариш ва электр қуввати ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг перспектив плани муҳокама қилинган.

Мажлисда сўзга чиққан ГДР бош министри О. Гротеволь бу перспектив план республиканинг бутун экономикасини ривожлантириш ишида муҳим роль ўйнайди, деб уқтириб ўтди.

УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА

ПХЕНЬЯН, 22 март. (ТАСС). Корея Марказий телеграф агентлиги билдиради: Умум Корея касаба союзлар федерацияси Марказий комитети Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллиги байрамига тайёрланиш тўғрисида қарор қабул қилди. Қарорда Октябрь социалистик революциясининг тарихий аҳамияти тўғрисида, шунингдек совет халқининг социализм ва коммунизм қуриш учун курашда эришган муваффақиятлари тўғрисида, Совет Иттифоқининг ижиллик билан амалга ошираётган тинчликсевар ташқи сиёсати ҳақида лекция ва суҳбатлар ўтказиш кўзда тутилади. Октябрнинг 40 йиллигига бағишлаб бир неча махсус брошюра чиқарилади.

Корея Халқ-Демократик Республикасидаги касаба союз ташкилотлари шонли байрам шарафига бу йил халқ хўжалигини ривожлантириш планини ошириб бажариш учун мусобақа бошлашга қарор бердилар. Қарор совет ишчилари билан социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисида коллектив ва якка шартномалар тузишни ҳам кўзда тутади.

ҲИНДИСТОНДАГИ САЙЛОВЛАРГА ДОИР

ДЕҲЛИ, 22 март. (ТАСС). Бомбай шаҳрининг ишчи районларида овозга қўйилган Ҳиндистон Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси ва умум Ҳиндистон касаба союзлари конгрессининг бош секретари Ш. А. Данге ҳозирги сайловларда энг кўп овоз — 323.526 овоз олганлиги ва халқ палатасига сайланганлиги кеча эълон қилинди. Ҳиндистон миллий конгрессининг кандидати — Ҳиндистон касаба союзлари миллий конгрессининг собиқ раиси Амбедкар шу округда овозга қўйилган эди. Аммо у сайланмай қолди.

Социалистик партиянинг раҳбари Манохар Лохия сайланмай қолганлиги билдирилади.

Кейинги маълумотларга қараганда, Ҳиндистон миллий конгресси партияси халқ палатасида 283 ўринга, компартия 22, халқ-социалистик партияси — 14, «Жан сангх» партияси — 1, социалистик партия — 7 ўринга, бошқа партиялар 30 ўринга, мустақиллар 19 ўринга эга.

Ҳиндистон миллий конгресси кеча яна икки штатда — Бихар ва Ғарбий Бенгалия штатларида қонун чиқарувчи мажлисларда абсолют кўпчилик ўрин олди. Шундай қилиб, Ҳиндистон миллий конгресси 11 штатдаги қонун чиқарувчи мажлисларга ўтказилган сайловларда ғалаба қилди ва икки штатда, яъни Керала ва Орисса штатларида абсолют кўпчилик овоз ололмади. Илгари хабар берилганидек, Керала штатидаги қонун чиқарувчи мажлисда Ҳиндистон Коммунистик партияси ўринларнинг кўпчилигини олди, Орисса штатидаги қонун чиқарувчи мажлисда эса, партияларнинг бирортаси ҳам ўринларнинг абсолют кўпчилигини ололмади.

Ғарбий Берлин социал-демократлари ГБСП вакиллари билан учрашдилар

БЕРЛИН, 22 март. (ТАСС). Демократик матбуот билдиради: Кеча Берлинда Ғарбий Берлин социал-демократларидан бир группаси Германия Бирлашган социалистик партиясининг вакиллари билан учрашди. Суҳбатда Ғарбий Берлин томонидан 61 социал-демократ қатнашди. Учрашиш вақтида Германиянинг муҳим ташқи сиёсий проблемалари ва ички проблемалари муҳокама қилинди.

ГБСП Катта Берлин ташкилотининг секретари Б. Баум шу ерда ҳозир бўлган кишиларга қарата нутқ сўзлади. У, миллий жиҳатдан қайта бирлашиш юзасидан ГБСП Марказий комитетининг 30 пленумида илгари сурилган программа тўғрисида социал-демократ ўртоқларга сўзлаб берди.

Нотиқ бутун немис ишчилар синфини НАТО армиясига мажбуран аскар олинишига қарши ва Ғарбий Германия ҳамда Ғарбий Берлин монополияларининг Ғарбий Германия ва Ғарбий Берлин аҳолисининг турмуш даражасига қилаётган ҳужумига қарши биргалашиб ҳаракат қилишга чақирди. Б. Баум Берлинда 1 майнинг байрам қилиниши тўғрисидаги масалага тўхталиб, бундай деди: Ғарбий Берлин ишчилари ўзларининг Биринчи май намойишларини ишчилар синфининг традицион шиорлари остида уюштиришлари лозим. Б. Баум Ғарбий Берлин касаба союз ташкилотларининг бу йил намойишни корхона эгаларининг иштирокисиз ўтказишга қарор бергандикларини табриклаш ва шаҳарнинг демократик секторида Умум Берлин Биринчи май митингини ташкил қилишни таклиф этди.

Б. Баумнинг нутқидан кейин муҳокама бошланди. Бу муҳокамада 20 дан ортиқ киши қатнашди. Уларнинг ҳаммаси немис ишчилар синфининг манфаатларига тааллуқли масалаларда социал-демократлар ва ГБСП аъзоларининг биргалашиб ҳаракат қилиши кераклигини айтди. Социал-демократлардан кўплари бундестагга ўтказиладиган сайловларда Германия социал-демократик партияси тегишли программани илгари суриши лозим эканлигини айтдилар. Сўзга чиққан кишилар Германиянинг ҳар икки қисмидаги ишчиларни бир-бирлари билан яқинлаштириш ва улар ўртасида маҳкам ҳамкорлик ўрнатиш учун барча имкониятлардан фойдаланишга чақирдилар.

Англия Компартиясининг Япония коммунистлари чақириғига жавоби

ТОКИО, 22 март. (ТАСС). «Акахата» газетаси Рождество оролида Англия водород қуролининг синаб кўрилишига қарши ҳаракатни ривожлантириш тўғрисида Япония коммунистларининг чақириғига Англия Компартиясининг жавобини босиб чиқарди. Буюк Британия Коммунистик партияси ўз мактубида япон халқи ва Япония Коммунистик партиясининг ядро қуролини синаб кўришга қарши кураш олиб боришга қатъий қарор берганлигини табриклайди ва Англия коммунистлари Рождество оролида водород қуролининг синаб кўрилишини тақиқлаш ва ядро қуролини тамомила тақиқлаш йўлидаги ҳаракатни кучайтириш учун бутун кучларини сафарбар қиладилар, дейилади.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ БИРЛАШГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КООПЕРАТИВЛАРИНИНГ УЧИНЧИ СЪЕЗДИ

ПРАГА, 22 март. (ТАСС). Бугун Прагада бирлашган қишлоқ хўжалик кооперативларининг учинчи съезди очилди. Съездда бир қанча мамлакатларнинг делегациялари, шу жумладан Совет Иттифоқининг делегацияси қатнашмоқда.

Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги министри Михал Бакула съездда нутқ сўзлади.

Миср ҳукумати раҳбарларининг Хаммаршельд билан бўлган музокаралари

ҚОҲИРА, 23 март. (ТАСС). Қоҳирада Миср ҳукумати раҳбарлари билан БМТ бош секретари Хаммаршельд ўртасидаги музокаралар давом этмоқда. Кеча Хаммаршельд Мисрнинг ташқи ишлар министри Фавзий билан икки марта учрашди. Бу учрашувларда БМТ бош секретарининг ўринбосари Банч, БМТнинг Фавқулодда қуролли кучлари қўмондони генерал Бэрнс ва Миср ташқи ишлар министрлигининг Фаластин ишлари бўлимининг бошлиғи Гоҳар ҳам қатнашдилар.

Судан ташқи ишлар министрининг баёноти

ПАРИЖ, 22 март. (ТАСС). Франс Пресс агентлигининг мухбири Арриёддан (Саудия Арабистони) билдиради: Кеча Судан ҳукумат делегацияси шарафига Арриёдда Судан жамоаси томонидан ўтказилган қабул маросимида Судан ташқи ишлар министри Муҳаммад Аҳмад Маҳғуб нутқ сўзлади. У, Судан ҳукумати позитив бетарафликка асосланган мустақил ташқи сиёсатни амалга оширади, деб яна бир марта таъкидлади.

Пибунсонграм Таиланд бош министри қилиб тайинланди

ПАРИЖ, 22 март. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги билдиради: Таиланд короли Пумипон миллат мажлиси раисининг тавсиясига мувофиқ, ҳукмрон партия «Серп манангкасила»нинг раҳбари Пибунсонграмни Таиланд ҳукуматининг бош министри қилиб тайинлади.

Агентликнинг билдиришича, ҳукуматга яқин доиралар «Серп манангкасила» партиясида ихтилофлар борлиги сабабли, янги кабинетни тузиш «енгил иш бўлмайди» деб таъкидламоқдалар.

Редактор ўринбосари

М. ҚОРИЕВ.

БИБЛИОГРАФИЯ

Мисрли дўстларимизнинг новеллалари

Озод Миср республикаси билан дўстлик ва маданий алоқаларимиз кундан-кунга ўсиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Кўҳна Мисрнинг ажойиб қадимий маданияти билан озми-кўпми танишмиз, миср халқининг мамлакатимиз экранларида намойиш қилинган «Водида олишув», «Бахт билан учрашув» фильмларидан олган бой таассуротларимиз куни кечагидай хотирамизда, уларни ҳалжон билан эслаймиз. Совет китобхонлари миср ёзувчиларининг асарлари билан рус тилида босилиб чиққан «Араб прозаси» ва «Араб ёзувчилари ҳикоялари» орқали маълум даражада танишиш имкониятига эга бўлган эдилар. Эндиликда биз мисрлик прозаикларнинг янги новеллалари билан танишишга муяссар бўлдик.

«Миср новеллалари»[1] китоби у қадар катта эмас, бор-йўғи 180 бет, бироқ мазмунан нақадар бой. Китобнинг охирги саҳифасини варақлаб, охирги сатрларидан кўз узар экансиз, ўзингизни кичик ҳикоялар тўплами эмас, балки меҳнаткаш миср халқининг машаққатли ҳаёти, ўзига хос урф-одати ҳақида йириқ-йириқ китоблар ўқигандай ҳис этасиз. Тўпламда, турли қобилият ва истеъдодга, турли тажриба ва малакага эга бўлган турли ёшдаги саккиз ёзувчининг ўн тўққизта ҳикояси бор. Ёзувчиларнинг турмуш тажрибаси ва маҳорати турлича, тема танлаш ва уни баён қилиш услуби ҳар хил бўлишига қарамай, уларнинг ҳаммаси учун хос бўлган умумийлик ҳам бор. Бу умумийлик ёзувчи қайси бир темани объект қилиб олмасин, оддий меҳнаткаш халққа бўлган чуқур муҳаббат, унинг ҳаққоний ҳаётини ҳеч қандай безаксиз мумкин қадар тўлароқ акс эттиришга бўлган интилишдан, халқ тақдирини зўр қизиқиш билан ҳикоянинг асосий ғоявий йўналиши қилиб олишдан иборат.

Кекса миср ёзувчиси, машҳур драматург ва талантли новеллист Маҳмуд Теймурнинг тўпламдаги новеллаларида шаҳар ва қишлоқ ҳаёти акс эттирилади, оила муносабатлари ва бахтсиз севги ҳақида ҳикоя қилинади, диний фанатизм ва жоҳиллик фош этилади. Маҳмуд Теймур ўз касбини бутун вужуди билан севувчи ва бу касб қон-қонига сингиб кетган актёр фожиаси ҳақида сўзлайдими («Қоғоз тож»), қизини оқ қилиб, уйидан ҳайдаб, унинг ёш умрини хазон қилишга сабабчи бўлган шайхнинг дин ва одатнинг ярамас қонун-қоидаларига қарши чиқишга ва фарзандини оқлаши ҳақида ҳикоя қиладими («Нажин»), камбағалчилик, йўқчилик туфайли бир-бирига етиша олмаган икки севгучи ёш қалбнинг бахтсиз қиссасини тасвирлайдими («Сабиха») — ҳаётни ва инсон руҳий кечирмаларини етук билиш ва моҳирлик билан ифода эта олишдек фазилат унинг барча ҳикояларида кўзга ёрқин ташланиб туради.

Оила муносабатлари, аҳлоқ ва жамиятда хотин-қизлар ўрни масаласи тўпламдаги кўпгина ҳикояларнинг мазмунини ташкил этади. М Теймурнинг «Шайх Афаллоҳ», «Трамвай № 2» ҳикоялари, Исо Убайднинг «Ихсон хонум», «Қишлоқ фожиаси» новеллаларини, адиба Бинт аш-Шотининг «Улар эркак кишини тарбияламоқчи бўлдилар...» новелласи, Юсуф Жавҳарнинг «Дайди мушуклар», «Муҳаббат ўлимни енгади» ҳикоялари, Маҳмуд Бадавий ва Маҳмуд Тоҳир Лошиннинг асарларида гоҳо бевосита, гоҳо билвосита ўз ҳуқуқини таний бошлаган, эркакларга муте бўлиб яшашдан улар билан бир сафда қадам ташлашга интилаётган аёллар ҳаёти акс этган.

Исо Убайднинг ота-она райига қараб, севгисиз; қистов билан турмуш қурган ва кўп ўтмай, беҳаҳм эр томонидан талоқ қилинган бахтсиз жувон тилидан ёзилган ҳикояси («Ихсон хонум») миср хотин-қизларининг яқин ўтмишдаги аҳволи ва ҳозирги кундаги кайфиятини маълум даражада ифода эта олади.

Ихсон хонум дугонасига ёзган хатида Шарқнинг ёш қиз билан йигитнинг севишиб қовушишига тўсиқ бўлган ва қизни унинг истак-хоҳиши билан келишмай, эрга беришдек ярамас одатларини қораларкан, онасининг ҳаёти тўғрисида қуйидагиларни айтади:

«Онам қаҳри қаттиқ отам олдида қўрқувдан титрарди: у, отам овқатни еб бўлгандан кейингина овқатланишга тутинар ва отам уйга қайтгандан сўнггина бошини ёстиққа қўяр эди. Отам бўлса, онамни бир хизматкор ўрнида кўрар, меҳрибончилик қилмас, уни эркаламас, балки мазаҳ қиларди... Онам бўлса, ҳамма вақт уни «афандим» деб улуғлар ёки «итоаткорингизман, бек» дер, ё эса «хўп бўлади, тақсирим» дер эди.

Ихсон давом этиб, бундай одат унинг отасигагина тааллуқли бўлмай, жуда кўпчиликни ташкил этувчи эркакларга хос эканини таъкидлайди.

Хотин-қизларнинг ҳаёти ва тақдирига бағишланган миср новеллаларини ўқиб туриб, беихтиёр ўзбек аёлларининг ўтмишини, Октябргача бўлган машаққатли ҳаётини: севимли опаларимиз, оналаримиз бой ва руҳонийлар томонидан «сочи узун, ақли калта» деб камситилган замонларни, аёлларнинг тақдири «сочи супургию, қўли косов» бўлган замонларни эслайсан киши, кўз ўнгингга чор девор ичида рангги зағфарон бўлган, очилмайин ғунчалигича сўлган аламдийда чеҳралар келади...

Тўпламдаги ҳикоялар Мисрнинг ҳозирги куни билан ҳамнафас бўлмаса-да, Миср халқининг ҳозирги кундаги кайфияти, мустамлакачиларга қарши ғазаб-нафрати бевосита акс этмаган бўлса-да, бу нафрат тўпламдаги кўпчилик ҳикояларда (Абдурахмон аш-Шаркавийнинг «Мансур афанди ва унинг қизлари» ҳикояси, М. Теймурнинг «Шайх Саид» новелласи ва бошқаларда) бевосита акс этган.

«Шайх Саид» ҳикоясининг қисқача мазмуни қуйидагича: Саид Абу Аллом сергайрат, ақлли, софдил ва ўзига яраша обрўли киши эди. Саидни у бошлиқ бўлган оиладагина эмас, балки бутун қишлоқда иззат-ҳурмат қилишади. Кунлардан бир кун Саид шаҳардан қайтаётганда миниб келаётган эшаги қоқилиб, Саид боши билан харсангга йиқилади. Боши ёрилиб, анча қон кетади. Уйга келтиришгач, у уч ҳафтача алаҳсираб ётади ва ниҳоят бошини кўтаради. У энди аввалги Саид эмасди: эс-ҳушидан, ақл-идрокидан ажраб, на хотини, на бола-чақаларини ва укаларини танир, ҳатто жондан азиз онаси ҳам унинг учун бефарқ бўлиб қолади. Тез орада инилари «ишламай ейувчи» Саидни бола-чақаси билан уйдан қувадилар... Саид тиланчилик қилади. Унинг телва-тескари айтган сўзларини содда-нодон халқ кароматга йўлди ва тасодифий ҳол Саидни халқ кўзи ўнгида авлиё даражасига кўтаради. Энди уни халқ Шайх Саид деб атай бошлайди, кўпчилик товба қилиб сиғинади. Ойлар, йиллар ўтиши билан Шайх Саиднинг касали гобора оғирлашади, ножўя ҳаракатлари ҳаддидан ошади. Бир вақтлар уни шайх даражасига кўтарган халқ энди уни «Шайтонга имонини сотган» деб эълон қилади ва кўплашиб уриб ўлдиради.

Дастлаб қараганда ёвузликдай туюлган бу мудҳиш фожианинг айбдорлари ким деган савол туғилади. Наҳотки, «дилига шайтон ўрнашиб олган осийни ўлдириш савоб» деб билган миср фаллоҳлари — содда меҳнаткаш деҳқонлар айбдор бўлсалар? Йўқ, асло ундай эмас! Бу фожианинг бош айбдорлари миср халқини узоқ йиллар давомида қуллик ва муҳтожликда, нодонлик ва жаҳолат зулмати остида, зўрлик билан сақлаб келган мустамлакачилар, ана шу мустамлакачилар туфайли ҳукм суриб келган: отани болага, акани укага ёв қилиб қўйган, халқни диний фанатизм заҳри билан оғулаган тузумдир. — Саид ва унинг каби мингларча софдил, бегуноҳ кишиларнинг ёстиғини қуритган ҳам ана шу мустамлакачилар ва улар жўрий қилган тузумдир.

Озодлик ва мустақиллик йўлидан дадил қадамлар ташлаб бораётган Миср республикаси баъзи бировларнинг «оромини» бузди. Англия, Франция ва улар қўлида қўғирчоқ бўлиб қолган Исроил давлати асоссиз равишда қурол кучи билан Миср тупроғига бостириб кирди. Улар ҳар қанча баҳоналарни бичиб-тўқимасинлар, барибир, уларнинг агрессиядан кутган мақсадлари равшан эди: улар қурол кучи билан Мисрда яна мустамлакачилик тартибларини тиклаб, Мисрнинг эрки ва мустақиллигига кишан урмоқчи бўлдилар. Мустамлакачилик занжирларини улоқтириб, қаддини ростлаган, озодлик қўмондонидан баҳоманд бўлиб, эркин нафас ола бошлаган миср халқи бунга йўл қўймади.

Миср халқининг ўз озодлиги ва мустақиллиги сақлаб қолинди. Чунки марҳум миср шоири Ҳофиз Иброҳим айтганидек, унинг «шоншуҳрати темир иродали ватанпарварлар ёнида», довюрак эркасевар азамат ўғлонлар ва содиқ посбонлар қўлида эди. Прогрессив инсоний миср халқини қўллаб-қувватлади, инглиз-француз-исроил агрессияси шармандаларча барбод бўлди.

Миср халқи ғалаба қилди. Фикримиз ва ишончимизга тарихнинг қон билан ёзилган саҳифалари ҳалфил.

Миср халқининг қаҳрамонона курашида унинг прогрессив адабиёти ҳам, шубҳасиз, ўз ҳиссасини қўшди.

В. АБДУЛЛАЕВ.

[1] «Египетские новеллы», арабча дан таржима. Чет эллар адабиёти нашриёти, Москва, 1956 йил.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 24/III да кундуз **Аломат ҳодиса**, кечқурун **Қароқчилар**, 26/III да кундуз **Май тўкилди**, кечқурун **Ганг дарёсининг қизи**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 24/III да кундуз **Уйқудаги гўзал**, кечқурун **Травиата**, 25/III да **Кармен**, 26/III да кундуз **Оққуш қўли**, кечқурун **Тоҳир ва Зуҳра**. 25/III кундузга сотиб олинган билетлар 31/III кундузга ярайди.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 24/III да кундуз **Азиз ва Санам**, кечқурун **Зафар**, 26/III да кундуз **Фарҳод ва Ширин**, кечқурун **Сурмахон**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — йиртқич ҳайвонларни биринчи бўлиб ўргатувчи рус устаси, РСФСРда хизмат кўрсатган артист **Н. П. Гладильщиков** гастроллари, **«Етти қувноқ»** қизиқчилар группаси гастролининг давоми, **чавандозлар, дорбозлар**. Бугун 3 марта томоша кўрсатилади (кундуз, 1, 4 ва кеч 8 да).

КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА» — кундуз ва кечқурун янги бадиий фильм **Далажоним-дала**, кеч соат 9 да кенг экранли фильм **Пролог**.

«ИСКРА» — кундуз ва кечқурун **Далажоним-дала**.

«ЕШ ГВАРДИЯ» — кундуз **Мангу қоронғилик сири**, кечқурун **Далажоним-дала**.

НАВОИЙ НОМЛИ — эрталаб соат 11-40 минутгача **Йилқичи қўшиғи**, кундуз ва кечқурун **Далажоним-дала**.

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Далажоним-дала**, кундуз соат 1-20 минут, кеч 6-50 минутда **Ҳаёт саҳифалари**.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 39040. Қишлоқ хўжалик бўлими — 135. Саноат ва транспорт бўлими — 132. Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими 135. Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 01077 «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. № 1766.